

# СОЛИҚ ва ХАБАРЛАРИ БОЖЖОНА

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 10 (1334) • 2020 йил 10 март

ISSN 2010-524X

## УШБУ СОНДА

Қайси  
имтиёзлар  
апрелдан  
кучини  
йўқотади

3-4-бетлар

Янги Кодекс –  
янги қоидалар

5-бет

Тиббий  
муассасанинг  
солиқ  
имтиёзлари

6-бет

Текин фойда-  
ланишнинг со-  
лиқ оқибатла-  
ри

11-бет

Компьютер  
АВми ёки  
ТМЗми?

13-бет

## ✓ НОРМАТИВ ЛОЙИХА

### СОЛИҚ АУДИТИ ҚАНДАЙ ЎТКАЗИЛАДИ

КХТБТ порталида ДСҚнинг Солиқ аудитини ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида қарори лойиҳаси жойлаштирилган. Лойиҳа Солиқ кодексининг 140-моддаси асосида ишлаб чиқилган.

Солиқ аудити куйидаги солиқ тўловчиларда ўтказилади:

- солиқ органининг талабномасига жавобан аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этмаган;
- юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига мансуб бўлган солиқ тўловчиларда;
- ихтиёрий тугатилаётган солиқ тўловчиларда.

Солиқ аудитини ўтказиш зарурати бўлганда солиқ органи солиқ аудити бошланишидан камида 30 кун олдин солиқ тўловчига унинг шахсий кабинетига хабарнома юборган ҳолда хабардор қилиши шарт. Солиқ тўловчи хабарномани олгандан кейин солиқ аудитини ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатларни ва маълумотларни тайёрлаб қўйиши лозим. Корхонани ихтиёрий тугатиш ҳолатида солиқ аудити олдиндан хабардор этмасдан ўтказилади.

Солиқ аудитини ўтказиш учун солиқ органи раҳбари буйруқ чиқаради, унда солиқ тўловчи, масъул текширувчи шахслар, солиқ аудитини ўтказиш муддатлари ва мақсади тўғрисидаги ахборот кўрсатилади. Солиқ аудитини ўтказиш муддати одатда 30 иш кунигача давом этади, айрим ҳолларда 2 ва хатто 3 ойгача узайтирилиши мумкин. Бунда унинг умумий муддати 6 ойдан ошиши мумкин эмас.

Солиқ тўловчи томонидан текширувчиларнинг солиқ аудитини ўтказиш учун ҳудудларга ёки биноларга киришига тўсқинлик қилин-

ган ёки у рўйхатга олинган манзил бўйича йўқ бўлган тақдирда, солиқ органлари 10 иш кунидан кўп бўлмаган муддатта унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туришлари мумкин. Солиқ органининг қарори электрон шаклда банкка юборилади, солиқ тўловчига эса шахсий кабинетига хабарнома бунинг сабабларини кўрсатган ҳолда юборилади. Солиқ органлари судга мурожаат қилганда солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни 10 иш кунидан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин.

Текширувчилар ўз ваколатлари доирасида куйидагиларни амалга оширишлари мумкин:

- бухгалтерия ҳисоби қондаларига мувофиқ мол-мулкни инвентаризация қилишни ташкиллаштириши;
- солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаш ва тўлаш учун зарур бўлган ҳужжат, ахборот ва маълумотларни, шу жумладан электрон шаклда ҳам тақдим этишларини талаб қилиш;
- банклардаги барча ҳисобварақларида мавжуд бўлган пул маблағлари айланмалари тўғрисида маълумотномаларни талаб қилиш;
- товарлар ёки хизматларни реализация қилиш бўйича ҳисобварақ-фактураларни ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда қассани ва товар-моддий бойликлар сақланадиган жойларни 2 иш кунидан

ортиқ бўлмаган муддатга муҳрлаш (2 иш кунидан ортиқ муддатга эса - суд қарори асосида муҳрлаш);

- ҳужжатларнинг давлат тилидаги таржимасини талаб қилиш;
- заруратдан келиб чиқиб сайёр солиқ текширувини ташкиллаштириш.

Солиқ тўловчи солиқ аудити учун талаб қилинаётган ахборотни тегишли талабнома олинган кундан эътиборан 5 иш кун ичида тақдим этиши шарт. Солиқ аудити жараёнида текширувчилар контрагентдан ёки бошқа шахслардан ушбу ҳужжатлар ёки ахборотни талаб қилиб олишга ҳақли. Бунинг учун тегишли солиқ органига мақсади ва зарур ахборот кўрсатилган сўров юборилади. Шундан кейин бошқа шахсга ҳам шахсий кабинет орқали талабнома келади, унга мувофиқ ахборотни 5 иш кун ичида тақдим этиш зарур бўлади. Текширувчилар томонидан ҳуқуқбузарликлар аниқланганда солиқларни ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш билан боғлиқ ҳужжатлар олиб қўйилиши мумкин.

Солиқ аудити натижаларига кўра далолатнома тузилади, унинг бир нусхаси солиқ тўловчига текширув туганидан кейин 3 иш кун ичида топширилади. Солиқ аудити натижалари бўйича қарор солиқ органи раҳбари томонидан далолатнома имзоланган кундан эътиборан 10 иш кун ичига, лекин 15 беш иш кунидан кечиктирмай қабул қилинади.

*Лойиҳа ўзгартирилиши, унга қўшимча киритилиши ёки рад этилиши мумкин.*

Лола АБДУАЗИМОВА.

## ✓ СОЛИҚ КОДЕКСИНИ ЎРГАНАМИЗ

### ХАРИДОРЛАР УЧУН БОНУСЛАРГА ЖШДС СОЛИНАДИМИ?

Талабни рағбатлантирувчи бонус дастурларининг қўлланилиши харидорларда солиқ солинадиган даромад юзига келишига олиб келадими? Бу ва бошқа саволларга Молия вазирлигининг бўлим бошлиғи Умид ҲАМРОЕВ жавоб беради.

Бонус дастурларида харидорларга бонуслар – баллар ёки дастурда белгиланган асосларга биноан мижознинг фаоллигини белгилайдиган бошқа бирликларни ҳисоблаш назарда тутилади.

#### I. ЖШДС тўлаш зарур бўлмаган шартлар

СҚда жисмоний шахсларнинг ушбу дастурларда иштироки ЖШДС солинадиган даромад олиншига олиб келмайдиган куйидаги шартлар ёзилган (369-м. 2-қ. 14-б.).

1. Жисмоний шахс бонус дастурида оммавий оферта шартларида иштирок этиши керак. Бу:

- бундай дастур барча учун бир хил бўлган иштирок этиш, бонуслар ҳисоблаш, бонусларни товар билан тўлаш шартлари ва ҳоказони ўз ичига олиши лозим;
- бонус дастурига ҳар қандай харидор қўшилиши мумкин;

- бонусларни ҳисоблаш ва ҳисобдан чиқариш шартлари ташкилот сайти ёки бошқа ҳамма учун очик манбаларда эълон қилиниши керак.

2. Оммавий оферта:

- акцент (дастурда иштирок этиш учун розилик) учун 30 кундан ортиқ муддатни назарда тутиши керак. Мазкур шарт бонус дастури 30 календар кундан ортиқ муддатга ташкил этилиши лозимлигини билдиради;

- оммавий офертани муддатидан олдин қақириб олиш имкониятини назарда тутмаслиги лозим. Бу бонус дастури ташкилотчиси уни муддатидан олдин ёпишга ҳақли эмаслигини билдиради.

3. Харидор бонусли даромадни:

- лавозим мажбуриятларини бажарганлик учун ҳақ сифатида олган бўлмаслиги керак. Яъни у дастур ташкилотчиси билан меҳнат муносабатларида бўлмаслиги керак;

- товарларни етказиб берганлик (ишларни бажарганлик, хизматлар кўрсатганлик) учун ҳақ (мукофот) сифатида олган бўлмаслиги керак;
- моддий ёрдам сифатида олган бўлмаслиги керак.

#### II. ЖШДС тўланиши лозим бўлган шартлар

Куйидаги ҳолларда даромадлардан ЖШДС ушлаб қолинади:

- жисмоний шахснинг бонус дастурида иштирок этиши очик оферта шартларисиз амалга оширилганда;

- оммавий оферта шартларида акцент, яъни дастурда иштирок этиш учун розилик учун 30 кундан кам муддат ёки офертани муддатидан олдин қақириб олиш имконияти назарда тутилганда;

- агар даромадлар ташкилотчи ҳодимларига улар томонидан лавозим мажбуриятларини бажарганлик, ёки товарлар етказиб берганлик (ишлар бажарганлик, хизматлар кўрсатганлик) учун ҳақ (мукофот) ёхуд моддий ёрдам сифатида тўланса.

Ушбу барча вазиятларда бонуслар жисмоний шахснинг моддий наф тарзидаги даромади деб тан олинади (СҚ 376-м. 1-қ.) ва солиқ агенти – бонус дастури ташкилотчисида ЖШДС солинади (СҚ 387-м. 1-қ.).

Мазкур ҳолатда пул шаклида ифодаланган олинган баллар ёки бошқа бирликлар суммаси даромад ҳисобланади.

5-бетда

## УМИДСИЗ СОЛИҚ ҚАРЗИ ҲИСОБИ АВТОМАТЛАШТИРИЛАДИ

ҚХТБТ порталда ДСҚнинг Ундирилиши умидсиз деб эътироф этилган солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарори лойиҳаси жойлаштирилган.

Лойиҳа Солиқ кодексининг 96-моддаси, Фуқаролик кодекси ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ишлаб чиқилган. Низом нормалари бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари ва нотижорат ташкилотларига нисбатан татбиқ этилмайди.

СКнинг 60-моддасига асосан умидсиз қарз – суд қарори билан мажбуриятнинг бекор қилиниши туфайли ёхуд банкротлик, тугатиш, қарздорнинг вафоти ёки даъво муддати тугаши сабабли тўланиши мумкин бўлмаган қарз.

СКнинг 96-моддасига мувофиқ Низомда умидсиз солиқ қарзи деб эътироф этиладиган

ҳоллар, шунингдек солиқ қарзи ундирилиши умидсиз деб эътироф этиш ва уни ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатига кирадиган органлар келтирилади. Низомда солиқ қарзини умидсиз деб эътироф этилишини тасдиқловчи ҳужжатлар рўйхати келтирилган.

Бундай қарзни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги қарор ДСИ раҳбари томонидан барча зарур ҳужжатлар тақдим этилгандан кейин маҳсус ишчи гуруҳ томонидан 3 иш куни ичида кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинади. Қабул қилинган қарор тўғрисидаги ёзув солиқ тўловчининг шахсий карточкасига 1 кун ичида алоҳида модуль орқали киритилади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқ қарзлари ҳисобини юритиш дастурий маҳсулот асосида олиб борилади, барча ҳужжатларни электрон шаклда сақлаш кўзланмоқда.

## СОЛИҚЧИ ВА ДАВЛАТ ИЖРОЧИЛАРИНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ УЧУН ЭЛЕКТРОН ТИЗИМ ИШГА ТУШИРИЛАДИ

ҚХТБТ порталда ДСҚнинг Солиқ органи мажбуриятга эга шахснинг мол-мулк ҳисобдан солиқ қарзини ундириш бўйича қарорини мажбурий ижро этувчи давлат органига юбориш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарори лойиҳаси жойлаштирилган.

Лойиҳа Солиқ кодексининг 123-моддаси ва «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонун асосида ишлаб чиқилган.

Низом нормалари юридик шахслар ва яққа тартибдаги тадбиркорларнинг тан олинган солиқ қарзига нисбатан татбиқ этилади. СКнинг 60-моддасига асосан талабнома берилган санадан бошлаб 10 кун ичида солиқ тўловчи томонидан эътироз билдирилмаган қарз шундай қарз ҳисобланади.

Талабнома солиқ тўловчига қуйидаги муддатларда юборилади:

- солиқ ҳисоботи бўйича юзага келган солиқ мажбурияти бўйича ҳар бир солиқ турига – тўлов муддатидан кейинги санадан бошлаб 3 кун ичида;
- солиқ текшируви натижалари бўйича аниқланган солиқ қарзи бўйича – қарор кучга кирган санадан бошлаб 3 кун ичида;
- пеня ёки фоизлар бўйича – ҳисобланган санадан бошлаб 3 кун ичида.

Солиқ тўловчи томонидан солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома олинган кундан эътиборан 30 календар кун ичида қарздорлик тўланмаган ёки тўлик тўланмаган тақдирда солиқ органи қарзни солиқ тўловчининг мол-мулк ҳисобдан ундириш бўйича қарор қабул қилади. У 3 иш куни ичида электрон шаклда солиқ тўловчи рўйхатдан ўтган ёки солиқ мажбурияти юзага келган жойдаги Мажбурий ижро бюросига юборилади.

Солиқ органи ва МИБ ўртасида ўзаро ҳамкорлик қилиш учун тарафлар ўртасида ўзаро тасдиқланган техник топшириққа асосан электрон маълумот алмашув йўлга қўйилади. Электрон тизим ишламай қолган ҳолларда қарор қоғозда чоп этилиб, почта хизмати орқали юборилиши ёки бевосита топширилиши мумкин. У қандай форматда олинганидан қатъи назар, қарор у олинган пайтдан бошлаб икки ой ичида ижро этилиши лозим.

**Лойиҳалар 2020 йил 19 мартга қадар муҳокама қилиш, фикр-мулоҳаза ва таклифларни киритиш учун жойлаштирилган.**

**Лойиҳалар ўзгартирилиши, уларга қўшимча киритилиши ёки рад этилиши мумкин.**

Лола АБДУАЗИМОВА.



ҚХТБТ порталда Сайёр солиқ текширувини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳаси жойлаштирилган. У 2020 йил 17 мартга қадар муҳокама қилинади. Мазкур ҳужжат нималарни таклиф қилади?

## САЙЁР СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИ ҚОИДАЛАРИ

Сайёр солиқ текширувининг мақсади – солиқ соҳасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш.

Сайёр текширувлар натижалари бўйича қўшимча солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш мумкин эмас. Бироқ, ҳуқуқбузарлик аниқланса, солиқчилар «қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўради».

Сайёр текширувнинг муддати – 10 иш кунидан кўп эмас.

Қуйидагилар сайёр текширув ўтказиш учун асос бўлиши мумкин:

- солиқ аудити ва камерал солиқ текшируви жараёнида қўшимча маълумотлар ва ҳужжатларни олиш зарурати;
- ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисида муурожаатлар ёки ишончли маълумотлар келиб тушганда.

Текширувчилар қуйидагиларга мажбур:

- солиқ тўловчини сайёр солиқ текширувини ўтказиш тўғрисидаги буйруқ билан таништириш;
- тадбиркорнинг текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдириш;
- текширувни ўтказиш вақтида тадбиркорлик субъектининг мансабдор шахсларига уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш.

Текширувчилар:

- солиқ ҳисоби, ТМҚ ва пул маблағларининг ҳаракати, солиқ тўловчи фаолияти билан боғлиқ бошқа аборотни таҳлил қилади;
- назорат-касса техникаси ва тўлов терминаллари ишини текширади;
- ходимлар сони мониторингини амалга оширади;
- бозорлар, савдо комплекслари фаолиятини текширади;
- фаолият турларини амалга ошириш учун лицензия ёки рухсат гувоҳномаларни мавжудлигини текширади;
- ТМҚ қолдиқларини ҳамда уларни автотранспорт воситалари орқали ташилиши қонунийлигини текширади;
- хронометраж ўтказиши ва ҳоказо.

Бундан ташқари, текширувчилар ишлаб чиқариш ҳудудлари, омборлар, юк транспортлари ва савдо биноларини видеоназоратга олишади.

Тўлов терминаллари ва касса аппаратларидан тўғри фойдаланилаётганлигини текшириш учун «ҳолис харидорлар» жалб этилиши мумкин.

Лойиҳа ўзгартирилиши, унга қўшимчалар киритилиши ёки рад этилиши мумкин.

buxgalter.uz

### УШБУ СОНДА:

#### • НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАР ЛОЙИҲАЛАРИ

- Солиқ аудити қандай ўтказилади
- Умидсиз солиқ қарзи ҳисоби автоматлаштирилади
- Солиқчи ва давлат ижрочиларининг ўзаро ҳамкорлиги учун электрон тизим ишга туширилади
- Сайёр солиқ текширувлари қоидалари

1-2-бетлар

#### • СОЛИҚ КОДЕКСИНИ ЎРГАНАМИЗ

- Харидорлар учун бонусларга ЖШДС солинадими?
- Қачон ипотека бўйича ЖШДС тўламаса бўлади

- Солиқ агенти томонидан ушлаб қолинган ЖШДС қандай қайтарилади
- Транспорт харажатларини компенсация қилишга қандай солиқ солинади

1, 5-бетлар

#### • СОЛИҚ СОЛИШ

- Солиқ кодекси бўйича қайси имтиёзлар 1 апрелдан кучини йўқотади
- Бюджетдан субсидияларга солиқ солинмайди
- Жисмоний шахс-резидент нотуғур жойни реализация қилганда ЖШДС
- Тушум миқдори имтиёзга таъсир қилмайди
- ҚҚС: ҳисобга олишнинг мутаносиб усули
- Қайта қуйиладиган сувардан олинмаган солиқ
- Мол-мулк таннарига киритиладиган чегирилмайдиган харажатлар
- Текияга олдингизми – солиқни тўланг

- Бинодан текин фойдаланиш

3-4, 6, 11-бетлар

#### • ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони
- «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иктисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»

7-10-бетлар

#### • ҚҚС ҲАҚИДА

- ҚҚС: хизматлар импортида ҳисобга олиш
- ҚҚСни ҳисобга олиш ҳуқуқи
- ҚҚС бўйича солиқ базаси – шартнома бўйича нарх
- Норезидент учун хизматлар бўйича ҚҚС

- Реализация қилишда ҚҚС бўйича имтиёзлар

12-бет

#### • АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ

- Фойдаланилмаётган ускуна амортизацияси
- Моддий активлар ҳисоби

13-бет

#### • ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК

- Судга фақат юқори солиқ органи орқали

14-бет

#### • БОЖХОНА

- Шартли чиқарилишда тўлиқ бўлмаган декларациялаш
- Умумий асосларда

15-бет

#### • ФОЙДАЛИ АХБОРОТ

- Масофадан хизмат: банк ҳисобварағини ким ва қандай очиши мумкин

16-бет

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақидаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashriati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.


# СОЛИҚ КОДЕКСИ БЎЙИЧА ҚАЙСИ ИМТИЁЗЛАР 1 АПРЕЛДАН КУЧЕНИ ЙЎҚОТАДИ

2007 йилги тахрирдаги Солиқ кодексида солиқ тўловчиларнинг кўплаб тоифалари учун имтиёзлар назарда тутилган эди. Янги СКнинг амалга киритилиши билан ушбу имтиёзлар жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб ўз кучини йўқотади (*МВ ва ДСҚнинг 30.12.2019 йилдаги 06/04-01-32/3953-сон ва 12-37999-сон ахборот хатининг 2-банди*). Хали улар амал қилиб турганда нима қилиш мумкин ва лозим? Вухгалтер.уз экспертларнинг шарҳи билан имтиёзлар бўйича солиштирма жадвални тайёрлади.



Эски СК бўйича	Янги СК бўйича ЖШДС	Изоҳ
<p><b>СКнинг 179-моддаси</b> (<i>имтиёз 1.04.2020 йилгача амал қилади</i>): <b>Куйидагилар ЖШДС тўлашдан озод этилади:</b></p> <p>6) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаганидан кейин хусусий корхона мулкдори, оилавий корхона иштирокчиси ҳамда фермер хўжалиги бошлиғи ихтиёрида қоладиган фойда суммаси;</p> <p>20) меҳнат шартномаси бекор қилинганида меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 4,22 баравари миқдори доирасида тўланадиган ишдан бўшатилиш нафақаси</p>	<p><b>СКнинг 41-моддаси</b> (<i>4-қ.</i>): «Хусусий корхона мулкдорига, оилавий корхона иштирокчисига ёки фермер хўжалиги бошлиғига бундай юридик шахслар тасарруфида қолган фойда суммасидан тўланадиган даромадлар дивидендларга тенглаштирилади»</p> <p>Мазкур имтиёз назарда тутилмаган</p>	<p>Хусусий корхона мулкдори 2020 йил 1 апрелга қадар барча олдинги йиллар учун жамғарилган ва тақсимланган фойдани дивиденд солиғи (5%) тўламасдан олиши мумкин</p> <p>Агар ҳодим 2020 йил 1 апрелгача ишдан бўшатилса ва ишдан бўшатилиш нафақаси унга 31 мартдан кечиктирмай тўланса, имтиёзни қўллаш ва ЖШДС ушлаб қолмаслик мумкин</p>
<b>Юридик шахслардан олинган фойда солиғи</b>		
<p><b>СКнинг 158-моддаси</b> (<i>имтиёз 1.04.2020 йилгача амал қилади</i>). Юридик шахсларнинг куйидаги фойдаси юридик шахслардан олинган фойда солиғини тўлашдан озод қилинади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун инвентарлар ишлаб чиқаришдан, шунингдек ногиронларга ортопедик протезлаш хизмати кўрсатишдан, ногиронлар учун мўлжалланган протез-ортопедия буюмлари ва инвентарларни таъмирлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатишдан олинган фойдаси;</li> <li>• шаҳар йўловчилар транспортда (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари) йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар кўрсатишдан олинган фойдаси;</li> <li>• моддий маданий мерос объектларини таъмирлаш ҳамда қайта тиклаш ишларини амалга оширишдан олинган фойдаси;</li> <li>• фонд биржасида эмиссиявий қимматли қоғозларни реализация қилишдан олинган фойдаси;</li> <li>• Халқ банки томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан фойдаланишдан олинган фойдаси</li> </ul>	<p>Мазкур имтиёз назарда тутилмаган</p> <p><i>*СК 337-моддаси жадвалнинг 10-бандига асосан кўрсатилган даромадларга нисбатан ноль солиқ ставкаси қўлланилади</i></p>	<p>Кўрсатилган фойда солиғи бўйича имтиёзларни 2020 йилнинг 1 чораги учун фойда солиғи ҳисоб-китобида қўллаш мумкин. Имтиёз ҳисобига тақсимланмаган фойда кўпроқ бўладигандек, бундан фойдаланиб қолиб, 1 чорак учун дивидендларни «максимум» олиш мумкиндек туюлади. Бирок фойда солиғи йил бошидан бошлаб ортиб боровчи яқун билан ҳисобланишини унутманг: Шу боис 2020 йилнинг кейинги даврлари учун корхонангиз фойдасини 1 апрелдан кейин имтиёзни қўлламаган ҳолда прогноз тарзида ҳисоблаб чиқишни тавсия қиламиз. Токи 1 чорак учун кўп бериб юборган бўлсангиз. Бу таъсирчиларга татбиқан ЖШДС бўйича солиқ оқибатларига олиб келиши мумкин</p>
<b>Ижтимоий солиқ (ЯИТ)</b>		
<p><b>СКнинг 308-моддаси</b> (<i>имтиёз 1.04.2020 йилгача амал қилади</i>). <b>ЯИТ куйидагиларга ҳисобланмайди:</b></p> <p>1) меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш учун СК 171-моддаси иккинчи қисмининг 9-бандида кўрсатилган миқдорлардан ортиқча олинган суммаларга;</p> <p>2) куйидаги грант маблағлари ҳисобига олинган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• давлатлар, давлатларнинг ҳукуматлари, халқаро ва чет эл ҳукуматига қарашли ташкилотлар томонидан берилган грант маблағлари;</li> <li>• Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланадиган рўйхатга киритилган халқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотлари томонидан берилган грант маблағлари;</li> <li>• Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида берилган грант маблағлари;</li> </ul> <p>3) акциядорлик жамиятларининг бошқарув ходимлари сифатида жалб қилинган чет эллик ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларига;</p> <p>4) пахта йиғим-терими бўйича қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинган жисмоний шахслар томонидан бу ишларни бажарганлик учун олинган даромадларга</p>	<p>Солиқ солиш объекти ҳисобланмайди (<i>СК 403-м. 4-қ.</i>)</p> <p>СКда мазкур имтиёз назарда тутилмаган</p> <p>СКда мазкур имтиёз назарда тутилмаган</p> <p>Солиқ солиш объекти ҳисобланмайди (<i>СК 403-м. 4-қ.</i>)</p>	<p>Кўрсатилган идоралар грантлари ҳисобидан олинган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар бўйича уларни ҳисоблаш ва 2020 йил 31 мартдан кечиктирмай тўлаш чоғида ЯИТ бўйича имтиёзни қўллаш мумкин</p> <p>АЖнинг бошқарув ходимлари сифатида жалб қилинган чет эллик ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари 2020 йил 31 мартдан кечиктирмай ҳисобланиб, тўланса ЯИТ бўйича имтиёзни қўллаш мумкин</p>
<b>Ер солиғи</b>		
<p><b>СКнинг 282-моддаси</b> (<i>имтиёз 31.04.2020 йилгача амал қилади</i>). <b>Ер солиғи тўлашдан куйидагилар озод қилинади:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ташкилотлари – ўз зиммаларига юклатилган вазибаларни амалга оширишда фойдаланадиган ер участкалари учун;</li> <li>• ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» ассоциацияси мулкда бўлган, ишловчилари умумий сонининг камидан 50%ини ногиронлар, 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ташкил қилган юридик шахслар, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар мустасно;</li> <li>• ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан</li> </ul>	<p>1.01.2020 йилдан бошлаб маданият, таълим ва соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш объектлари эгаллаган ер участкаларига солиқ солинмайди</p> <p>1.04.2020 йилдан бошлаб имтиёз ўрнига мазкур участкалардан ер солиғи 0,1 коэффицент қўлланган ҳолда ҳисобланади</p> <p>1.04.2020 йилдан бошлаб мазкур имтиёз бекор қилинади</p>	<p>Агар корхона 2020 йил 31 мартдан кечиктирмай ихтиёрий тугатиш юзасидан хабарнома берган бўлса, у хабарнома берилгандан бошлаб ихтиёрий тугатиш муддатларига рўйя қилинишини инобатга олган ҳолда тугатиш жараёни яқунлангунга қадар бўлган давр учун ер солиғи тўлашдан озод этиш кўринишидаги имтиёзни қўллаши мумкин</p>

# СОЛИҚ КОДЕКСИ БЎЙИЧА ҚАЙСИ ИМТИЁЗЛАР 1 АПРЕЛДАН КУЧИНИ ЙЎҚОТАДИ



Эски СК бўйича	Янги СК бўйича	Изоҳ
<b>Мол-мулк солиғи</b>		
<p><b>СКнинг 269-моддаси (имтиёз 1.04.2020 йилгача амал қилади).</b>  <b>Солиқ тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ҳамда ижтимоий таъминот, таълим, маданият ва санъат ташкилотлари;</li> <li>• уй-жой-коммунал хўжалиги ва бошқа умумфуқаровий аҳамиятга молик шаҳар хўжалиги корхоналари (Президентнинг 21.04.2017 й.даги ПҚ-2916-сон қарорининг 14-бандига асосан мазкур имтиёз «Тоза ҳудуд» ДУК ва «Махсустрас» ДУКга татбиқ этилади);</li> </ul>	<p>Солиқ бўйича солиқ базаси маданият ва санъат, таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот объекларининг ўртача йиллик қолдиқ қийматига камаяди</p>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• янги ташкил этилган корхоналар рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан 2 йил мобайнида;</li> </ul>	1.04.2020 йилдан бошлаб мазкур имтиёз бекор қилинади	Агар корхона 1 апрелга қадар рўйхатдан ўтказилган бўлса, у 2020 йил 1 чорак учун мол-мулк солигини тўлашдан озод этиш кўринишидаги имтиёзни қўллаши мумкин
<ul style="list-style-type: none"> <li>• ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан</li> </ul>	1.04.2020 йилдан бошлаб мазкур имтиёз бекор қилинади	Агар корхона 2020 йил 31 мартдан кечиктирмай ихтиёрий тугатиш юзасидан хабарнома берган бўлса, у хабарнома берилгандан бошлаб ихтиёрий тугатиш муддатларига ривож қилинишини инобатга олган ҳолда тугатиш жараёни якунлангунга қадар бўлган давр учун мол-мулк солиғи тўлашдан озод этиш кўринишидаги имтиёзни қўллаши мумкин
<b>Солиқ базаси қуйидагиларнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматига (ўртача йиллик қийматига) камайтирилади:</b>		
<ul style="list-style-type: none"> <li>• коммунал хўжалиги объекларининг;</li> </ul>	СКнинг 411-моддасига мувофиқ 1.04.2020 йилдан бошлаб солиқ солиш объекти ҳисобланмайди	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• сугориш ва коллектор-дренаж тармоқлари объекларининг;</li> </ul>	СКнинг 411-моддасига мувофиқ 1.04.2020 йилдан бошлаб солиқ солиш объекти ҳисобланмайди	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• табиатни муҳофаза қилиш ва санитария-тозалаш мақсадлари, ёнгин хавфсизлиги учун фойдаланиладиган объекларининг;</li> </ul>	СКнинг 411-моддасига мувофиқ 1.04.2020 йилдан бошлаб солиқ солиш объекти ҳисобланмайди	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• умумий фойдаланишдаги темир йўллари ва автомобиль йўллари, магистраль трубопроводлар, алоқа ва электр узатиш линияларининг, шунингдек кўрсатилган объекларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотларининг;</li> </ul>	1.01.2020 й.дан бошлаб умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари СКнинг 411-моддасига асосан солиқ солиш объекти ҳисобланмайди. 1.04.2020 й.дан бошлаб темир йўллари, магистраль трубопроводлар, алоқа ва электр узатиш линияларининг, шунингдек кўрсатилган объекларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотларга 0,2% ставка бўйича солиқ солинади	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• консервация қилиниши тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган кўчмас мулк ва тугалланмаган қурилиш объекларининг;</li> </ul>	1.04.2020 й.дан бошлаб кўрсатилган мулк ва объектларга 0,2% ставка бўйича солиқ солинади	Мол-мулк солиғи ҳисоб-китобида мазкур имтиёзни 2020 йилнинг январидан мартгача бўлган даври учун қўллаш мумкин
<ul style="list-style-type: none"> <li>• солиқ тўловчининг балансида бўлган ҳамда тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилмаётган, фуқаро муҳофазаси ва сафарбарлик аҳамиятига молик объекларининг;</li> </ul>	СКнинг 411-моддасига асосан солиқ солиш объекти ҳисобланади	Мол-мулк солиғи ҳисоб-китобида мазкур имтиёзни 2020 йилнинг январидан мартгача бўлган даври учун қўллаш мумкин
<ul style="list-style-type: none"> <li>• харид қилинган давлат мулки объекларининг – олди-сотди шартномаси имзоланган пайтдан эътиборан 12 ой мобайнида*. *Имтиёз бўшайдиган маблағларнинг мақсадли йўналтирилишини назарда тутаяди</li> </ul>	1.04.2020 й.дан бошлаб имтиёз бекор қилинади	
<b>ҚҚС</b>		
<b>СКнинг 208-моддаси (имтиёз 1.04.2020 йилгача амал қилади).</b>		
<b>ҚҚСдан қуйидаги реализация қилиш оборотлари озод этилади:</b>		
<ul style="list-style-type: none"> <li>• ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш юзасидан бевосита Ўзбекистон Республикаси аэропортларида ва Ўзбекистон Республикасининг ҳаво бўшлиғида амалга ошириладиган хизматлар, шу жумладан аэронавигация хизмати;</li> </ul>	Мазкур хизматларга ноль даражали фойз микдоридидаги ставка бўйича солиқ солинади (СК 263-моддаси 5-банди)	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• босма маҳсулотлар, шунингдек босма маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ таҳририят, матбаа ва нашриёт ишлари (хизматлари);</li> </ul>	СКда мазкур имтиёз назарда тутилмаган	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• давлат тилини ва давлат тилида иш юритишни ўргатиш хизматлари;</li> </ul>	СКда мазкур имтиёз назарда тутилмаган	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• давлат резервининг товар-моддий захиралари, улар янгиланаётганда (СКнинг 208-моддаси 32-банди). Имтиёзни янгилаш мақсадида давлат резерви захираларини реализация қилувчи «Ўздавахира» корхоналари қўллайди;</li> </ul>	СКда мазкур имтиёз назарда тутилмаган	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• молиявий хизматлар;</li> </ul>	2007 йилги таҳрирдаги СКнинг 209-моддасида кўрсатилган ва СКнинг 244-моддасида кўрсатилмаган хизматлар бўйича имтиёзлар 1.04.2020 й.гача амал қилади	Корхона 2020 йил январдан мартгача бўлган давр учун ҚҚС бўйича имтиёзни қўллаши ва «ҚҚСсиз» ҳисобварақ-фактура тақдим этиши мумкин
<ul style="list-style-type: none"> <li>• инвестор ва давлат мулкни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага биноан инвестиция мажбуриятлари сифатида топшириладиган мол-мулк;</li> </ul>	СКда мазкур имтиёз назарда тутилмаган	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• давлат мулкни ижарага бериш бўйича хизматлар;</li> </ul>	СКда мазкур имтиёз назарда тутилмаган	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• оммавий ахборот воситаларини ва китоб маҳсулотларини етказиб бериш хизматлари;</li> </ul>	СКда мазкур имтиёз назарда тутилмаган	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра тижорат банклари томонидан ўз маблағлари ҳисобидан қуриладиган кўчмас мулк объектлари</li> </ul>	СКда мазкур имтиёз назарда тутилмаган	

Миржало Мирфаёзов, Татьяна Лимарева, «Norma» МЧЖ экспертлари.

Vixgalter.uz ўқувчилари саволларига Молия вазирлигининг бевосита солиқлар бўлими бошлиғи Умид ҲАМРОЕВ жавоб беради.

## ҚАЧОН ИПОТЕКА БЎЙИЧА ЖШДС ТЎЛАМАСА БЎЛАДИ

**?** Янги тахрирдаги СКда фуқароларга ипотека кредити бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш шартлари ўзгаргани муносабати билан СКнинг 378-моддаси 16-бандини қандай қўллаш лозим?

– ЖШДС бўйича имтиёздан фойдаланиш учун (СК 378-м. 16-б.) бир вақтнинг ўзига иккита шартга риоя қилиш лозим:

якка тартибдаги уй-жойнинг ёки кўп қаватли уйдаги хонадоннинг қий-

мати 300 млн сўмдан ошмайди; уй-жойнинг харидорига дастлабки бадалнинг ва (ёки) ипотека кредити бўйича фойзаларнинг бир қисmini қоплаш учун бюджетдан субсидия ажратилган.

**!** 2020 йил 1 мартдан бошлаб субсидиялар олиш учун аризалар Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали берилади (28.11.2019 йилдаги ПФ-5886-сон Фармоннинг 6-б.).

**МИСОЛ.** Субсидия мавжуд эмаслиги боис имтиёзни қўллаш мумкин эмас

Солиқ тўловчи-жисмоний шахс ипотека кредити бўйича бюджетдан субсидия олмасдан суммаси 300 млн сўмгача бўлган уй-жой сотиб олди. Солиқ даврида у кредитни сўндириши ва фойзаларни тўлаш учун 15 млн сўм йўналтирди. Бу ҳолда, банкка қандай сумма йўналтирилганидан қатъи назар, имтиёз қўлланилмайди.

**МИСОЛ.** Солиқ тўловчи-жисмоний шахс ипотека кредити бўйича суммаси 300 млн сўмдан ортиқ бўлган уй-жой сотиб олди. Бу ҳолда, кредитни сўндириши ва фойзаларни тўлаш учун қандай сумма йўналтирилишидан қатъи назар, ЖШДС бўйича имтиёз қўлланилмайди.

Солиқ даври – календарь йил мобайнида қарз олувчи ва бирга қарз олувчининг кредитни сўндириши ва фойзаларни тўлаш учун йўналтириладиган 15 млн сўмгача даромадига имтиёз тақдим этилади.

Агар солиқ даври мобайнида ушбу чегара оширилса, ошган суммадан ЖШДС тўланади.

**МИСОЛ.** Қарз олувчида 15 млн сўм миқдоридagi имтиёзланадиган чегарадан ошган тақдирда ЖШДС тўлаш

2020 йил февраль ойида солиқ тўловчи-жисмоний шахс уй-жой сотиб олиш учун 250 млн сўм миқдоридa ипотека кредити олди. Уй-жой қиймати 300 млн сўмдан ошмайди. Дастлабки бадалнинг бир қисми бюджетдан ажратилган субсидия ҳисобига қопланди. Жисмоний шахснинг аризасига биноан, унинг иш ҳақидан юридик шахс – иш берувчи ҳар ойда тижорат банкка кредитни сўндириши ва фойзаларни тўлаш учун 1,6 млн сўм ўтказлади. 2020 йил учун ушбу мақсадлар учун 17,6 млн сўм (1,6 млн сўм х 11 ой) ўтказилади.

Мазкур ҳолатда 2,6 млн сўм миқдоридagi ошган суммага жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинади. Тўлов манбаи ЖШДС ҳисоблашини ортиб борувчи яқун билан амалга оширади (СК 388-м. 6-қ.). Банкка ўтказиладиган сумма чегаравий қиймат – 15 млн сўмга етганда – имтиёзни қўллашни тўхтатиши лозим.

**МИСОЛ.** Қарз олувчи ва бирга қарз олувчида 15 млн сўм миқдордаги имтиёзланадиган чегарадан ошганда ЖШДС тўлаш

2020 йил март ойида солиқ тўловчи – жисмоний шахс 250 млн сўм миқдоридa ипотека кредити олди. Кредит шартномасида қарз олувчи (эри) ва бирга қарз олувчи (хотини) ёзилган. Дастлабки бадалнинг бир қисми бюджетдан ажратилган субсидия ҳисобига қопланган. Эрининг аризасига биноан унинг иш ҳақидан юридик шахс – иш берувчи ҳар ойда тижорат банкка 1 млн сўм ўтказлади. Хотини ҳам иш берувчида иш ҳақидан кредитни сўндириши учун ҳар ойда 800 минг сўм ўтказиши ҳақида ариза берди.

Жами 2020 йил учун ушбу мақсадларга оила 18 млн сўм: эри – 10 млн сўм (1 млн сўм х 10 ой), хотини – 8 млн сўм (800 минг сўм х 10 ой) ўтказишни режалаштирмоқда.

ЖШДС бўйича имтиёзни 15 млн сўмга қўллаш мумкин.

Эрининг иш берувчиси унга хотинининг иш жойидан ҳар ойда ипотека кредити бўйича имтиёз қўлланган банкка ўтказилган сумма тўғрисида маълумотнома олиб келиши мажбуриятини юклаши лозим. Қарз олувчи ва бирга қарз олувчи бўйича жами сумма 15 млн сўмга етганда, иккала иш берувчи ҳам имтиёзни қўллашни тўхтатиши керак.

ЎРК-599-сон Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, 2007 йил тахриридаги Солиқ кодексига назарда тутилган имтиёзлар 2020 йил 1 апрелгача амал қилади. Тегишинча, 1 апрелга қадар иш берувчилар ёш оилалар ва қишлоқ жойларда қурувчиларга ипотека кредити бўйича илгари амал қилган (2007 йилги тахрирдаги СК 179-м. 30-б.) имтиёзларни қўллашлари мумкин.

## Янги СКда ипотека бўйича нормалар

Янги СКда ипотека кредити беришга тааллуқли яна бир нечта ўзгаришлар мавжуд.

Ипотека бўйича сотиб олинган уй-жойни энди сотиш муддатидан қатъи назар, тўланмаган солиқни қопламасдан сотиш мумкин. Илгари 5 йил ўтгунча сотилганда ЖШДС бўйича имтиёзлар суммасини қоплаш лозим бўларди.

3 йилдан кам муддатда мулкида бўлган турар жойларни, шу жумладан ипотека бўйича сотиб олинган

турар жойларни сотиш чоғида битимдан олинган даромадга солиқ солиниши лозим (СК 378-м. 7-б.).

Иш берувчиларнинг ёш оилалар томонидан уй-жой сотиб олиши ва қишлоқ жойларда уй-жой қуриш учун дастлабки бадални тўлаш учун тўловлари энди моддий наф тарзидаги даромад ҳисобланади ва ЖШДС солинади (СК 376-м. 1-б.). Илгари ушбу суммалар ходимнинг даромади сифатида қаралмаган (2007 йилги тахрирдаги СК 171-м. 2-қ. 14-б.).

## СОЛИҚ АГЕНТИ ТОМОНИДАН УШЛАБ ҚОЛИНГАН ЖШДС ҚАНДАЙ ҚАЙТАРИЛАДИ

**?** Солиқ агенти томонидан ортиқча ушлаб қолинган ЖШДСни қандай қайтариш мумкин?

– Солиқ агенти томонидан ортиқча ушланган ЖШДС суммаси солиқ тўловчининг ёзма аризасига асосан нақдсиз шаклда аризада кўрсатилган банк ҳисобварағига қайтарилиши лозим (СК 391-м. 1-қ.).

Солиқ бир солиқ даври ичида қайтарилиши мумкин (СК 391-м. 2-қ.). ЖШДС бўйича солиқ даври бир календарь йилга тенг (СК 384-м. 1-қ.).

Солиқ агенти ортиқча ундирилган суммани аризани олган кундан эътиборан 3 ой ичида – келгуси тў-

ловлар ҳисобидан бюджет тизимига ўтказилиши лозим бўлган ЖШДСни қайтаради (СК 391-м. 3-қ.).

Солиқ агенти бўлмаганда ёхуд солиқ даври тугаганда, солиқ тўловчи ундан ортиқча ушланган ва бюджет тизимига ўтказилган солиқ суммасини қайтариш тўғрисида солиқ органига ариза беришга ҳақли. Жами йиллик даромад тўғрисидаги солиқ декларациясини бир вақтнинг ўзига тақдим этиш лозим (СК 391-м. 5-қ.).

**МИСОЛ.** Ортиқча ундирилган ЖШДСни қайтариш

Ходимга 2020 йил январь ойи учун ҳисобланган иш ҳақи 3 млн сўмни, ушлаб қолинган ЖШДС суммаси – 360 минг сўмни ташиқил этди. Корхона бухгалтерия хато тарзда ходимдан 500 минг сўм ушлаб қолиб, бюджетга ўтказди. Ходимнинг пластик картасига 2020 йил январь ойи учун 2,5 млн сўм миқдоридa иш ҳақи ўтказилди. Ортиқча ушлаб қолинган 140 минг сўм миқдордаги ЖШДСни қайтариши учун ходим 2020 йилнинг охиригача корхона раҳбари номига ёзма ариза бериши керак. Ортиқча ушланган солиқ суммаси ариза олинган кундан эътиборан 3 ой ичида ходимнинг пластик картасига ўтказилиши лозим. Бунда корхона солиқ органларига ЖШДС бўйича аниқлаштирилган ҳисобот тақдим этиши керак. Агар ходим мазкур хатони 2021 йилда аниқласа, у доимий яшаш жойидаги солиқ органига ортиқча ушланган ва бюджетга ўтказилган ЖШДСни қайтариши тўғрисида ариза бериши мумкин. Ариза билан бирга у 2020 йил учун жами йиллик даромад тўғрисидаги солиқ декларациясини топиради. Шунингдек, декларацияга иш жойидан берилган 2020 йил учун тўланган даромадлар ва ушлаб қолинган ЖШДС суммаси тўғрисида маълумотнома илова қилинади.


## ТРАНСПОРТ ХАРАЖАТЛАРИНИ КОМПЕНСАЦИЯ ҚИЛИШГА ҚАНДАЙ СОЛИҚ СОЛИНАДИ

**?** Қонун ҳужжатларида «васийлик ва ҳомийлик органлари ходимларига ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариши билан боғлиқ транспорт харажатларини қоплаш учун ҳар ойда 170 000 сўм миқдоридa компенсация тўланади, кейинчалик инфляция ҳажмидан кам бўлмаган миқдорда ошириб борилади» деб белгиланган (11.02.2019 йилдаги ПК-4185-сон қарорнинг 2-б.). Мазкур компенсация қандай даромад турига киради, ундан қандай солиқлар тўланади?

– Агар компенсация тўлови қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва нормаларга мувофиқ тўланса, у жисмоний шахснинг даромади ҳисобланмайди (СК 269-м. 2-қ. 9-б.). Агар тўлов белгиланган нормалардан ортиқ тўланса, нормадан ортган қисми жисмоний шахснинг моддий

наф тарзидаги даромади ҳисобланади (СК 376-м.).

Моддий наф тарзидаги даромадлар жисмоний шахсларнинг жами даромади таркибига киритилади ва уларга СКнинг 380-моддасида белгиланган имтиёзларни инобатга олган ҳолда 12% ставка бўйича ЖШДС солинади.



## БЮДЖЕТДАН СУБСИДИЯЛАРГА СОЛИҚ СОЛИНМАЙДИ

**?** Умумбелгиланган солиқларни тўлайдиган корхона автобусда йўловчиларни ташиш билан шуғулланади. Йўл ҳақи давлат томонидан 1 400 сўм этиб белгиланган. Ушбу сўмма харажатларни қопламаётганлиги сабабли давлат томонидан корхонага бюджетдан субсидиялар ажратилади. Бюджетдан берилган субсидияларга фойда солиги солинадими?

– Бюджет субсидиялари мақсадли маблағлар жумласига киритилади (СК 48-м. 2-қ.). Фойда солиғини ҳисоблашда Президентнинг ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида текинга олинган мол-мулк, шунингдек СКнинг 48-моддасида назарда тутилган талаблар бажарилиши шарти билан олинган мақсадли тушумлар даромад сифатида ҳисобга олинмайди (СК 304-м. 8, 9-б.).

## ЖИСМОНИЙ ШАХС-РЕЗИДЕНТ НОТУРАР ЖОЙНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛГАНДА ЖШДС

**?** Жисмоний шахс – ЎзР резиденти нотураар жойни бошқа жисмоний шахсга реализация қилмоқда. Реализация қилиш нархи кадастр қийматидан ошади. Мақзур ҳолатда қандай солиқ оқибатлари юзага келади?

– Нотураар жойни реализация қилишдан олинган даромадларга ЖШДС солинади.

Кўчмас мулк илгари харид қилинган бўлса, ҳужжатлар билан тасдиқланган реализация қилиш суммаси ва харид қиймати ўртасидаги фарқ реализация қилишдан олинган даромад ҳисобланади.

Ушбу кўчмас мулкни сотиб олмаган бўлсангиз ёки сотиб олгансиз, лекин харид қийматини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этолмасангиз, кадастр қиймати ва реализация қилиш нархи ўртасидаги ижобий фарқ даромад ҳисобланади (СК 375-м. 4-б.).

Жисмоний шахс – ЎзР резидентига тегишли нотураар жойни реализация қилишдан даромадлар олинганда, бюджетга ЖШДС айнан шу шахс томонидан тўланади. ЖШДС жами йиллик даромадлар тўғрисидаги декларацияга асосан ҳисобланади. Декларация доимий яшаш жойидаги солиқ органига кўчмас мулк реализация қилинган йилдан кейинги йилнинг 1 апрелигача тақдим этилади, ҳисоблаб чиқарилган солиқ эса 1 июнидан кечиктирмай тўланади. Кўчмас мулкни реализация қилишдан олинган даромадларга солинадиган ЖШДС ставкаси 12%ни ташкил этади (СК 381-м. 1-қ., 397-м. 1-қ., 398-м. 1-қ.).

Жисмоний шахслар томонидан мол-мулкни реализация қилишда ЖШДС бўйича имтиёзлар назарда тутилган, бироқ у нотураар жойларни сотишдан олинган даромадларга тааллуқли эмас (СК 378-м. 7-б.).

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА,  
«Norma» МЧЖ эксперти.

## ТУШУМ МИҚДОРИ ИМТИЁЗГА ТАЪСИР ҚИЛМАЙДИ

**?** Хусусий клиниканинг йиллик айланмаси 3 млрд сўмдан ошиб кетса, ҚҚС бўйича имтиёзга эга бўладими?

– Ҳа, йиллик тушум миқдоридан қатъи назар, тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматларни (бундан косметологик хизматлар мустасно) реализация қилиш бўйича айланма ҚҚСдан озод этилади. Ушбу банднинг мақсадида тиббий хизматлар жумласига, хусусан, куйидагилар кирради:

- тиббий ёрданга ва санитария хизмати кўрсатишга доир хизматлар;
- ташхис қўйиш, профилактика ва даволаш бўйича хизматлар;
- стоматологик хизматлар, шу жумладан тишларни протезлаш бўйича хизматлар (СК 243-м. 1-қ. 11-б.).

## ҚҚС: ҲИСОБГА ОЛИШНИНГ МУТАНОСИБ УСУЛИ

**?** Ломбард тилла буюмларни гаровга олиб кредитлар беради. Солиқ солинадиган айланма 20%ни, солиқ солинмайдиган айланма 80%ни ташкил этади. Солиқ солинадиган ва солинмайдиган айланма мавжуд бўлиб, ҳисобга олишнинг мутаносиб усулидан фойдаланганимизда, ҚҚС ажратиб кўрсатилган сотиб олинган товарлар, ишлар, хизматлар ҳисобварақ-фактураларида уларнинг суммасини ҳисобга олишимиз мумкинми?

– Ҳа, бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммасини аниқлашда, солиқ тўловчи ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланган солиқ суммасини ҳисобга олиш орқали ҚҚСнинг умумий суммасини камайтиришга ҳақли бўлади (СК 266-м.).

Солиқ тўловчи солиқ солинадиган ва солиқ солишдан озод этиладиган айланмаларни амалга оширса, солиқ солинадиган айланмага тўри келадиган ҚҚС суммаси ҳисобга олиш учун қабул қилинади. Ҳисобга ўтказилиши лозим бўлган солиқ суммаси солиқ тўловчининг танловига кўра алоҳида-алоҳида усулда ва (ёки) мута-

носиб усулда аниқланади. Мутаносиб усул бўйича солиқ тўловчи томонидан ҳисобга олиш учун қабул қилинадиган солиқ суммаси солиқ солинадиган айланма суммасининг товарларни (хизматларни) реализация қилиш (солиқни ҳисобга олмасдан) бўйича айланманинг умумий суммасидаги жорий календарь йил ичида ўсиб борувчи якун билан аниқланган солиштирма миқдорида келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Мутаносиб усулдан фойдаланиш чоғида ҳисобга олиш учун қабул қилинмаган ҚҚС фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда чегириб ташланган харажатлар таркибида ҳисобга олинади (СК 268-м.).

## ҚАЙТА ҚУЙИЛАДИГАН СУВЛАРДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ

**?** Саноат оқимлари 990 000 куб.м сизимли идишга келиб тушади. Буфер қўллар Чирчиқ дарёси бўйидаги текис майдонларда жойлашган, улар келиб тушадиган оқимларни араштириш, ўртачалаштириш, тиндириш ва азрция учун мўлжалланган. Қўлларда оқимлар азрциядан ўтиб, тиндирилганидан кейин Чирчиқ дарёсига келиб тушади. Оқимларнинг ҳақиқий ҳажми Чирчиқ дарёсига сув чиқариб юбориладиган жойда ўрнатилган сув ўлчаши рейкаси кўрсаткичлари бўйича аниқланади. Ҳар йили корхона ўртача 113 000 минг куб м сув олади ва тахминан 100 000 минг куб м сувни дарёга қайта қуяди. 2019 йилда 40 626 797 минг сўм миқдоридан сувдан фойдаланганлик учун солиқ тўланган. Ҳисоб-китобларга кўра корхона олинган сувнинг 11–15%ини истеъмол қилади. Корхона олинган сув ҳажми бўйича эмас, балки ҳақиқатда истеъмол қилинган сув ҳажми бўйича солиқ тўлаши мумкинми?

– Дарёга қайта қуйиладиган сувлар сув ҳажми солиқ солинадиган база ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сувдан бирламчи фойдаланишни ёки сувни истеъмол қилишни амалга оширувчи шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар деб эътироф этилади (СК 441-м.).

Фойдаланилган сувнинг ҳажми сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ базасидир. Сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан олинган сув ҳажми сувдан фойдаланишнинг бухгалтерия (дастлабки) ҳисоби ҳужжатларида акс эттирил-

ган сув ўлчагич асбоблар кўрсаткичлари асосида аниқланади (СК 443, 444-м.).

Иссиқлик электр станциялари ва иссиқлик электр марказлари томонидан қайта қуйиладиган сув ресурслари солиқ солиш объекти бўлмайди (СК 442-м. 2-қ. 6-б.). Бошқа саноат тармоқлари учун бундай норма мавжуд эмас.

Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари учун сув олиш лимитлари белгиланади. Сув олиш лимитларини белгилаш учун сув ресурслари ҳажмлари оқова сувлардан, шунингдек кулай коллектор-дренаж сувларидан қайта фойдаланиш ҳажмидан иборат бўлади (Низомнинг IV бўлими, ВМнинг 19.03.2013 йилдаги 82-сон қарорига 1-илова).

Замира Жўраева, «Norma» МЧЖ эксперти.

галикда икки ҳафта муддатда хорижий мамлакатлар билан 2020 йилда савдо-иқтисодий, инвестициявий, илмий-маърифий, маданий-гуманитар ва сиёсий соҳаларда, шунингдек, хавфсизлик соҳасида ҳамкорликни фаоллаштиришга қаратилган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва тадбиркорлик субъектлари учун тартиб-таомилларни соддалаштириш ва махсус қулай режимлар тақдим этишни назарда тутувчи аниқ чора-тадбирлар бўйича таклифларни киритсин.

36. Тўғридан-тўғри инвестицияларни, илғор тажриба ва замонавий технологияларни кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, манфаатдор идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик миссияларини фаол жалб этган ҳолда жаҳон мамлакатлари билан кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг муассасалари, етакчи халқаро институтлар ва молия тузилмалари, шунингдек, минтақавий бирлашмалар билан узоқ муддатли шерикликни чуқурлаштириш юзасидан аниқ таклифлар ва амалий чора-тадбирларни тайёрлашни таъминласин.

37. «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати ва «Тараққиёт стратегияси» марказининг қуйидагиларни амалга оширувчи «Халқаро мунозара клуби»ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

маҳаллий ва хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда, ислохотларни амалга оширишнинг муҳим масалалари бўйича **жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш** ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини доимий равишда баҳолаб бориш тизимини йўлга қўйиш мақсадида аҳоли ва экспертлар ўртасида **сўровлар ва ўрганишлар ўтказиб бориш**;

илгари сурилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича уларнинг жамоатчилик муҳокамасини ҳисобга олган ҳолда **асосланган таклифларни ишлаб чиқиш**;

давлат органлари ва ташкилотларининг аҳоли олдидаги ҳисобдорлигини ошириш мақсадида **жамоатчилик эшитувини мунтазам равишда ташкил этиш**.

Белгилансинки, «Халқаро мунозара клуби» «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати ҳузурида ташкил этиладди.

38. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати ҳамда «Тараққиёт стратегияси» маркази билан биргаликда:

Давлат дастури амалга оширилишининг боришини тизимли мониторинг қилиш, уни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун қўшимча чоралар кўриш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ахборотни ҳар ойда умумлаштириш ҳамда яқунларини аниқ кўрсаткичлар ва эришилган ижобий ўзгаришларни акс эттирган ҳолда ўз веб-сайтларида жойлаштириш;

мониторинг натижалари тўғрисидаги ахборотни ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси

ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қиритиш;

Давлат дастурини амалга ошириш яқунларига бағишланган ахборот-таҳлилий шарҳларни тайёрлаш, уларни хорижий тилларда эълон қилиш ва кенг тарқатишни таъминласин.

39. Давлат дастури бандларини илчил ва ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашилари ўз ҳудудларида Давлат дастурини амалга ошириш бўйича **ўн кун муддатда** чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқади ва **ҳар ойда** ўз мажлисларида муҳокама қилиб боради;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **ҳар ойда** Давлат дастури бажарилишини Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ҳузурида танқидий кўриб чиқади, **ҳар чорақда** Ҳукумат мажлисларида муҳокама қилиб боради ҳамда ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаган тадбирлар юзасидан масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларига нисбатан тегишли чоралар кўради;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари **ҳар чорақда** Бош вазир ва Ҳукумат аъзоларининг Давлат дастури бажарилиши юзасидан ахборотларини эшитиб боради ҳамда бу борада Ҳукумат фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ҳисоб палатаси билан биргаликда **ҳар ойда** Давлат дастури бажарилишини назорат қилиб боради ҳамда унинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишини таъминлайди.

40. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиоконпанияси Халқаро пресс-клуб, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда:

ушбу Фармоннинг мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида кенг тушунтирилишини;

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ҳолис ва тўлиқ маълумотнинг кенг жамоатчиликка тезкорлик билан етказилишини таъминласин.

41. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

42. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Дрипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**  
**Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент шаҳри,  
2020 йил 2 март  
ПФ-5953-сон.

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ

## 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида\*

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларни халқ манфаатлари йўлида изчил давом эттириш мақсадида 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳаси кенг жамоатчилик иштирокида атрофлича муҳокама қилинган ҳолда тайёрланди.

Муҳокамалар жараёнида халқимиз, фуқаролик жамияти институтлари фаоллик кўрсатиб, мингдан ортиқ теле- ва радиоканаллар орқали тўғридан-тўғри эфирларда улар билан бевосита мулоқотлар ташкил этилди, фуқароларимиз билдирган таклиф-тавсиялар тегишли соҳа мутахассислари ва экспертлар иштирокида чуқур таҳлил қилинди.

Хусусан, жамоатчилик муҳокамаси доирасида **уч мингдан ортиқ таклифлар** келиб тушди, улар асосида Давлат дастури лойиҳасига **юзга яқин концептуал ва таҳририй ўзгариш ва қўшимчалар** киритилди. Шунингдек, кўпчилик таклифлар муҳокама учун эълон қилинган Давлат дастури лойиҳасидаги чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаш ва уларни амалга ошириш жараёнларини такомиллаштиришни назарда тутди.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси, парламент палаталари қўшма мажлиси ва ташкилий йиғилишларида белгиланган вазифаларни самарали ва ўз вақтида амалга ошириш мақсадида:

1. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури (кейинги ўринларда – Давлат дастури) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш соҳасида:

2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолиятида фуқароларнинг Интернет тармоғидаги мурожаатлари асосида парламент ва депутат сўровларини шакллантириш, сайловчилар билан бевосита мулоқот қилиш мақсадида электрон портал ва мобил иловадан фойдаланиш имконини берувчи «Электрон парламент» тизими жорий этилсин;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида йил якунига кўра қабул қилинган ҳар бир қонун халқ томонидан қандай баҳоланганини ва унинг самарадорлик даражасини мониторинг қилиш ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чораларни кўриш амалиёти шакллантирилсин;

2020 йилда Самарқанд вилояти халқ депутатлари Кенгашининг фаолиятини «намунали Кенгаш» сифатида йўлга қўйиш бўйича амалий ташкилий чора-тадбирлар кўрилсин ҳамда маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида Кенгаш сўрови институти жорий қилинсин;

2020 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси мажлисларида давлат органлари ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолияти бўйича, шунингдек, Ҳукумат аъзолари ва тармоқлар раҳбарларининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш, илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ахборотларини мунтазам равишда эшитиш тартиби амалиётга татбиқ қилинсин;

2020 йил 1 августдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги элчилари ҳисоботини эшитиш, шунингдек, аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш мақсадида ўрганилган масалалар бўйича бевосита жойларга бориб, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида Сенат кенгаши ва кўмиталарининг сайёр мажлисларини ўтказиш тизими йўлга қўйилсин;

\*Ушбу Фармон Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 3.03.2020 йилдан кучга кирди.



2020 йил 1 июлга қадар «Mening fikrim» веб-порталининг мобиль иловасини ишга тушириш чоралари кўрилсин, шунингдек, веб-порталга келиб тушаётган мурожаатларни депутатлар, мутахассислар ва кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда оммавий ахборот воситаларида муҳожама қилиш ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва Вазирлар Маҳкамасига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу йўналишда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини, шу жумладан, парламентнинг қонун ижодкорлиги ва назорат фаолиятини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар **дастури**, тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни ишлаб чиқиш бўйича **«йўл харита»си**, Аҳолининг электорал маданиятини юксалтириш **концепцияси** ҳамда Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган **стратегияси** қабул қилинишини таъминлаш тавсия этилсин.

### 3. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида:

2020 йил 1 майдан бошлаб суд ҳукмлари, қарорлари, ажримлари ёки ҳал қилув қарорлари қонуний кучга кирган ишларни прокурор томонидан **томонларнинг** (прокурордан ташқари) **муружаати мавжуд бўлгандагина** суддан талаб қилиб олиш тартиби амалиётга жорий этилсин;

2020 йил 1 апрелдан бошлаб 1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан буён фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси асосида доимий истиқомат қилаётган ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиш истагини билдирган шахсларни Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб тан олиш тартиби жорий этилсин;

2020 йил 1 ноябрга қадар оқил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида **апелляция ва кассация инстанциялари ислоҳ қилиниб**, назорат тартибида иш юритиш институти бекор қилинсин;

2020 йил 1 июнга қадар тадбиркорлик соҳасидаги ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят турлари декриминализация қилинсин, шунингдек, божхона соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузиш жиноятини **биринчи марта содир этган, товар учун тўловни ихтиёрли равишда тўлаган** ва божхона расмийлаштирувни амалга оширган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш тартиби жорий этилсин;

2020 йил 1 декабрдан бошлаб маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати **жиноят ишлари бўйича судлар ваколатига ўтказилсин**;

2020 йил 1 декабрдан ҳуқуқбузарликларни содир этган шахс томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаси санкциясида назарда тутилган **жаримани суд ва ваколатли идораларда иш кўрилгунга қадар ихтиёрли тўлашни рағбатлантириш тизими** жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Судьялар олий кенгаши, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлигига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу йўналишда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини, шу жумладан, тизимлаштирилган **«Судлар тўғрисида»ги қонуннинг** янги таҳрири, шунинг-

дек, судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятини тартибга солувчи ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари кафолатларини кучайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчаларни киритишни назарда тутувчи **қонун лойиҳалари** ишлаб чиқилишини таъминлаш топширилсин.

4. Кенг жамоатчилик истақларини ва халқаро эксперт жамоатчилиги тавсияларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказининг қуйидаги тақлифларига розилик берилсин:

2020 йил 1 апрелдан бошлаб Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кўчмас мулкни олишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун ушбу ҳудудларда **доимий пропискага эга бўлиш талаб қилинмаслигини кўзда тутувчи тартибни жорий этиш**;

Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи ва республиканинг бошқа минтақаларида доимий пропискага эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги **янги қурилган уйларда кўчмас мулк олди-сотдиси шартномаларини расмийлаштириш учун давлат божининг алоҳида ставкасини бекор қилиш**.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) 2020 йил 1 апрелга қадар қонун ҳужжатларига мазкур банддан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини таъминласин, унда, шу жумладан, қуйидагиларни назарда тутсин:

доимий пропискага қўйишда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг бир киши учун турар жой майдонининг ижтимоий нормаси тўғрисидаги қоидаларига риоя этиш бўйича талабларни;

пропискага қўйиш билан боғлиқ жараёнлар ва уларни **«ягона дарча» тамойили асосида** амалга ошириш механизмлари рақамлаштирилишини таъминлашни;

ҳудудларда олий таълимнинг талаб юқори бўлган йўналишларида ўқитишни ташкил этиш, шу жумладан, Тошкент шаҳрида жойлашган етакчи олий таълим муассасаларининг филиалларини очилиши;

б) Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгача урбанизацияни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишда республика аҳолиси учун Тошкент шаҳри билан бир қаторда қўшимча равишда **«ўзига тортувчи марказларни яратиш** мақсадида табиий ва ижтимоий-иқтисодий салоҳиятга эга энг йирик шаҳарларни белгилашни назарда тутсин.

### 5. Иқтисодий ривожлантириш ва инвестицияларни фаол жалб қилиш соҳасида:

2020 йилдан бошлаб пахта хом ашёси ишлаб чиқариш ва мажбурий сотиш режасини, унинг нархини **давлат томонидан белгилаш амалиёти бекор қилинсин** ва давлатга мажбурий галла сотиш ҳажми 25 фоизга **камайтирилсин**;

2020 йилда солиқ тўловчилар томонидан ортиқча тўланган солиқ суммаси белгиланган муддатда қайтарилмаган ҳолда ушбу сумма учун солиқ тўловчиларга бюджет ҳисобидан Марказий банкнинг асосий ставкасига тенг миқдорда фоизлар тўлаш ҳамда ички бозорда сотилган маҳсулот бўйи-

риш, кўрсатилаётган электрон давлат хизматлари сифатини ошириш ва рўйхатини кенгайтириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан бевосита алоқасиз ўзаро муносабатларни амалга ошириш шакллари кенг қўлланш;

**иктисодийнинг реал сектори тармоқлари ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни кенг жорий қилиш йўналишида** молия-хўжалик фаолияти, маъмурий тартиботлар, ишлаб чиқариш, технологик ва бошқарув жараёнларида рақамли технологиялар ва автоматлаштирилган тизимларни яратиш;

**телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш йўналишида** Интернет тармоғидан кенг полосули фойдаланишни кенгайтириш, мобил алоқа тармоғи ва бошқа замонавий телекоммуникация хизматларини ривожлантириш ва модернизация қилиш;

рақамли иқтисодий соҳасидаги лойиҳаларнинг амалга оширилишини молиялаштириш тизимини тақомиллаштириш.

28. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ давлат хизматларини кўрсатувчи давлат органлари ва ташкилотларида ахборотларни шакллантириш, сақлаш ва қайта ишлаш «Электрон ҳукумат» тизимининг ягона идентификаторларини қўллаган ҳолда амалга оширилади.

29. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Электрон ҳукуматнинг идоралараро ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлари ягона реестрини (кейинги ўринларда – Ягона реестр), шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ва ресурсларида қўлланилиши мажбурий бўлган «Электрон ҳукумат» тизимининг ягона идентификаторларини, маълумотномалар ва таснифлагичларнинг рўйхатларини (кейинги ўринларда – рўйхатлар) жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

30. Белгилансинки:

Ягона реестрга идоралараро интеграциялашган ахборот тизимлари ва ресурслари, шунингдек, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг манфаатлари йўлида ишлаб чиқилган бошқа дастурий маҳсулотлар киритилади;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар Ягона реестрга киритилган идоралараро интеграциялашган ахборот тизимлари ва ресурслари ҳамда бошқа дастурий маҳсулотларни жорий этиши ва улардан самарали фойдаланиши шарт.

31. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, «Ўзкомназорат» давлат инспекцияси, Кибархавфсизлик маркази икки ой муддатта Ягона реестр ва рўйхатларни шакллантириш ҳамда юритиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин, бунда реестр ва рўйхатларнинг долзарб версияларини «Электрон ҳукумат» тизимига тақдим этиш учун маъсул давлат органлари ва ташкилотлари кўрсатиб ўтилсин.

32. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси илм ва маърифат, ахборот технологиялари, меҳнат муносабатлари ва тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур бўлган ахборотларни олиш имконияти асоссиз равишда чекланишига йўл қўймаслик мақсадида, шунингдек, халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда 2020 йил 1 сентябрга қадар давлат сири деб ҳисобланган маълумотлар рўйхатини

қайта кўриб чиқиш ҳамда кейинчалик уни махфийликдан чиқариш чораларини кўрсин.

33. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва Адлия вазирлиги томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти тузилмасида парламентаризмни ривожлантириш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўқув марказини ташкил этиш масаласи ишлаб чиқилган бўлиб, у қуйидаги мақсадларга йўналтирилган:

хорижий мамлакатларнинг парламентлари ва бошқа манфаатдор давлат органлари билан биргаликда депутатлик корпуси ва сенаторлар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мутахассисларининг кўникмалари, малакаси ва салоҳиятини ошириш бўйича ўқув дастурларини рўйбга чиқариш;

қонун ижодкорлиги, парламент назорати, фуқароларнинг манфаатларини ифода этиш ва халқ билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, қонун ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш, норматив-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш юқини мақбуллаштириш;

тегишли йўналишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ичида ва унинг ташқарисида масофавий ўқитиш учун таълим модуллари ва дастурларини ўз ичига олган ҳамда «Электрон парламент» тизими билан интеграциялашган «онлайн» тизим яратиш.

Белгилансинки, ўқув марказининг фаолият юритиши, таҳсил олувчилар ва хорижий давлатлар экспертларининг мамлакатда бўлиши билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, халқаро ташкилотлар ва донорлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу бандда кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун 2020 йилги Давлат бюджети параметрлари доирасида белгиланган тартибда бош вазир маъмурият ажратилишини таъминласин, 2021 йилдан эса ҳар йили бюджет маблағлари ажратилишини назарда тutsин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига мазкур институтини ислоҳ қилишнинг ҳозирги bosқичини ҳисобга олган ҳолда, унинг фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида қўшма қарор қабул қилиш тасвия этилсин.

34. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лозимияти номзод кўриб чиқилаётганда ва тасдиқланаётганда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узок истиқболга мўлжалланган Ҳаракатлар дастури тақдим этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳар чоракда тегишли йил учун Давлат дастури билан узвий боғлиқликда Ҳаракатлар дастурининг вазирликлар, идоралар ва ҳудудлар кесимида бажарилиши ҳолатини ўз мажлисларида танқидий муҳокама қилиб борсин.

35. Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан бир-

технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 1 ноябрдан «**Давлат фуқаролик хизмати ягона электрон ахборот-таҳлилий тизими**» дастурий-аппарат комплексини (кейинги ўринларда – дастурий-аппарат комплекси) жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда дастурий-аппарат комплексининг Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва бошқа зарур тизимларга интеграциялашувини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Олий аттестация комиссияси ва республикадаги олий таълим муассасалари раҳбарлари идоравий ахборот тизимлари ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқишини, уларнинг дастурий-аппарат комплекси билан интеграция қилинишини, шунингдек, ушбу тизим тўлиқ ишлашини таъминлаш учун маълумотларни рақамлаштириш чораларини кўрсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда «**Рақамли Ўзбекистон – 2030**» дастури лойиҳасини ишлаб чиқишда бошқа масалалар билан бир қаторда қуйидагиларни назарда тутсин:

а) «**Электрон ҳукумат**» тизимини ривожлантириш йўналишида:

**ахборот технологиялари соҳасида инсон капиталини ривожлантириш**, кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш;

**давлат хизматларини рақамли шаклга трансформация қилиш** ва ахборот экотизимини ривожлантириш; давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш;

б) **маҳаллий IT-технологиялар бозори салоҳиятини ошириш** йўналишида:

ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларга қўйладиган асосий функционал талабларнинг **ягона реестрини** белгиллаган ҳолда давлат органлари ва ташкилотларида ушбу маҳсулотлардан фойдаланишга ўтиш;

ўрнатилган функционал талабларга мувофиқ келадиган маҳаллий ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларнинг **ягона базасини шакллантириш**;

салоҳияти мавжуд олий таълим муассасаларида ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш соҳасида лабораториялар, жумладан, халқаро тан олинган илғор IT-компанияларни жалб қилган ҳолда ташкил этиш;

маҳаллий ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқишни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш;

в) **давлат маълумотларини бошқариш тизимини яратиш** йўналишида:

давлат бошқаруви соҳасида маълумотларни шакллантириш ва қайта ишлашга стандартлаштирилган ёндашувини жорий қилиш;

маълумотларни шакллантириш ва янгилаш бўйича жавабгарлик давлат органлари бўйича тақсимланган ҳолда, маълумотлар фақат битта давлат органи ёки унинг бўлинмаларида шакллантириладиган «**маълумотларнинг ягона манбаи**» тамойилини жорий этиш;

хўшхатга йўналтирилган тизимдан маълумотларнинг реестр ёзувиغا асосланган тизимга боسقичма-боسقич ўтиш.

24. Давлат органлари, идоралар, барча корхона ва ташкилотларга «рақамли иқтисодиёт», замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий қилиш ва ривожлантиришга масъул бўлган ходимларни хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчиларнинг касблари классификатори таълимнинг минимал даражаси ва касб бўйича малакавий разрядлар қисмига амал қилмаган ҳолда ишга жалб қилишга руҳлат берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ахборот технологиялари соҳасида халқаро сертификатга эга бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тизимини яратиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, ахборот технологиялари соҳасида халқаро сертификат олиш имтиҳонларини муваффақиятли топширган шахсларга **харажатларни давлат томонидан қоплаш**, ахборот технологиялари соҳасида халқаро сертификатга эга бўлган шахсларнинг республика олий таълим муассасаларида таълим олиш имкониятларини кенгайтириш назарда тутилсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда «Беш ташаббус» лойиҳасини молиялаштириш доирасида «Рақамли технологиялар ўқув марказлари»да, «Ишга марҳамат» мономарказларида ва «Ёшлар технопарк»ларида ёшларга рақамли технологияларни ўргатиш бўйича махсус курсларни ташкил этиш чораларини кўрсин.

26. Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи билан биргаликда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга ёшларнинг энг илғор лойиҳаларини жалб этиш мақсадида Тошкент шаҳрида «**Халқаро ёшлар инновация форуми**»ни ўтказиш ҳамда форум доирасида «**Энг яхши лойиҳалар**» танловини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

27. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ва қарори лойиҳаларини киритсин:

рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат ташкилий-институционал асосларини танқидий қайта кўриб чиққан ҳолда **соҳада давлат бошқарувини такомиллаштириш**;

«**Электрон ҳукумат**» тизимини такомиллаштириш йўналишида идоралараро электрон ҳамкорликни ривожланти-

ча қўшилган қиймат солигининг бир қисмини қайтариш тартиби самарали йўлга қўйилсин;

2020 йилда лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатлар камида **икки бараварга қисқартрилсин**;

2020 йил 1 июндан бошлаб давлат ултушига эга бўлган **банклар трансформацияси бўйича «йўл харита»ларини амалга оширишга** киришилсин, шу жумладан, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга кўрсатилаётган **банк хизматлари сифатини ошириш ҳамда замонавий чакана банк хизматлари турларини кўпайтириш** чоралари кўрилсин;

2020 йил 1 июнга қадар экспортни олдидан молиялаштиришга қаратилган **Экспорт-кредит агентлиги** ташкил қилинсин;

2020 йилда **«рақамли маркировка ва онлайн касса»** лойиҳасини ўз вақтида ва тўлиқ бажариш ҳамда **«Э-омбор»** товарларни ҳисобга олишининг электрон тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича амалий чоралар кўрилсин;

2020 йил 1 июндан бошлаб маҳаллий экспорт қилувчиларга юкларни автомобиль ва ҳаво транспорти орқали экспорт қилиш харажатларининг **бир қисмини давлат томонидан қоплаш**, шунингдек, тадбиркорларнинг инфратузилма барпо этиш бўйича харажатларининг **бир қисми учун компенсация тўлаш механизмлари жорий этилсин**;

2020 йилда камида **800 мингга кенг полосали Интернет портлари** яратилсин ва **12 минг километр оптик толали алоқа линиялари** ётқизилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Марказий банки, Ҳисоб палатаси, Савдо-саноат палатасига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу йўналишда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини, шу жумладан, «Давлат молиявий назорати тўғрисида»ги, «Давлат қарзи тўғрисида»ги ва «Расмий статистика тўғрисида»ги **қонун лойиҳалари**, Автомобиль йўлларини ривожлантириш ва Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш **стратегиялари**, Ташиқ иқтисодий фаолиятни тартибга солиш ва Сув хўжалигини ривожлантириш **концепциялари**, Қишлоқ хўжалигида рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича **амалий чора-тадбирлар дастури** ишлаб чиқилишини таъминлаш топширилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

икки ой муддатда ҳар бир ҳудудда тадбиркорликка ўқитиш курсларини ташкил этиш бўйича «йўл харита»сини ва мазкур курсларнинг битирувчиларига энг илгор лойиҳа учун грантлар ажратиш тартибини тасдиқласин;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфига ўтказилган 30 та коллеж базасида, шунингдек, Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида камида биттадан **«Ишга марҳамат» мономарказлари** ва касбга тайёрлаш марказларини ташкил этиб, уларда, биринчи навбатда, ишсизлар ва камбағал оилалар аъзоларининг тадбиркорлик асослари бўйича ва касбга ўқитилишини таъминласин.

Худди шу каби мономарказлар ва касбга тайёрлаш марказлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг шаҳар ва туманларида ҳам босқичма-босқич ташкил этилиши таъминлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қув-

ватлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда касбга ўқиш истагини билдирган ёлғиз ва кўп болали аёллар, ишсизлар, ёшлар учун қундалик ҳаётда эҳтиёж юқори бўлган соҳалар, хусусан тикувчилик, пазандалик, сартарошлик ва бошқа йўналишлар бўйича касбга ўргатиш курсларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда «Маҳалла гузарларида касбга ўқитиш дастури»ни ишлаб чиқиб, талабгорлар рўйхатини шакллантирсин.

Белгилансинки, касбга ўргатиш курслари доирасида ўқитилган ёлғиз ва кўп болали аёллар, ишсизлар ва ёшлар каби аҳолининг иқтисодий ҳимояга муҳтож қатламлари учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда маблағ ажратиласин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда:

бюджет маблағлари ҳисобидан илгор тадбиркорлик лойиҳаларига грантлар ажратиш тизимини йўлга қўйсин;

2020 йил 1 майга қадар ҳар бир ҳудудда камида биттадан «Энг яхши касбга тайёрлаш ўқув дастури» бўйича нодавлат ташкилотлари ўртасида танлов ўтказиб, унинг ғолибларига ўз ишини ташкил қилиш учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан грант ажратиш тартибини ишлаб чиқсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда тадбиркорлик яхши ривожланган ва аҳоли зич жойлашган ҳудудлар атрофида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ва бўш турган ер майдонларини аниқласин ҳамда уларда кичик саноат зоналарини ташкил этиш ва уларни инфратузилма билан таъминлаш учун лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш чораларини кўрсин.

Белгилансинки:

янги ташкил этиладиган кичик саноат зоналарига барча зарур инфратузилмаларни етказиб бериш учун кичик саноат зоналарини бошқариш дирекцияларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан **100 миллиард сўм** ажратиласин;

янги ташкил этилган кичик саноат зоналаридаги ер участкалари тадбиркорларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда хусусийлаштирилиб берилади ва бундан тушган маблағлар кичик саноат зоналарини бошқариш дирекциялари томонидан янги кичик саноат зоналарини барпо этишга сарфланади.

10. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда ҳар бир туманда деҳқончилик билан шугулланиш истагини билдирган аҳоли рўйхатини

шақлантисин, қишлоқ ҳўжалиги оборотидан чиқиб кетган ерларни талабгорларга тақсимлаб берсин ва уларни кооперацияларга бириктирсин. Бунда, мазкур шахсларга қонунчиликда назарда тутилган имтиёзлар тақдим этилсин ва ерларни оборотга қайтариш учун барча зарур чора-тадбирлар кўрилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги хузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги икки ой муддатда бизнесга ҳамда тадбиркорликни бошлаш истагидаги фуқаролар ва ўзини ўзи банд қилмоқчи бўлганларга сервис кўрсатувчи интерактив мобиль иловалар яратиш учун ташловлар эълон қилиб, энг яхши лойиҳаларга грантлар ажратиш тизимини йўлга қўйсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда, шунингдек, Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотларни жалб этган ҳолда 2020 йил 1 августга қадар қўйидагиларни назарда тутувчи **Камбағалликни қисқартириш дастури** лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

камбағаллик тушунчасини, уни ҳудудий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш методологияси ва мезонларини ишлаб чиқиш;

аҳолида, айниқса, ёшлар ва аёлларда **бизнес юриш ва тадбиркорликнинг замонавий кўникмаларини** шақланттириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

энг аввало, жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш имконини берувчи **тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашнинг** самарали механизмларини жорий этиш;

тадбиркорлик субъектларига молиявий ресурслардан, шу жумладан, **микромолыялаштириш хизматлари ва давлат харидларидан** фойдаланишда кенг имкониятлар бериш учун шароит яратиш;

банд бўлмаган аҳолини қайта тайёрлаш ва ишсиз фуқароларни талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш бўйича кенг қамровли дастурларни амалга ошириш.

13. Белгилансинки, 2020 йил 1 июндан бошлаб **тадбиркорлик субъектларига лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни** беришда кадрларнинг профессионал малакаси, тақдим этилган ҳужжатлар ва дастурларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга, бино ва иншоотларнинг – санитария-эпидемиологик талабларга ва ёнгин хавфсизлиги талабларига жавоб бермаслиги сабабли **рад этишга йўл қўйилмайди**.

Бунда, ваколатли давлат органлари тадбиркорлик субъектларига малакали кадрларни излаш, ҳужжатлар ва дастурларни қайта ишлаш учун мутахассисларни жалб қилиш ҳамда лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни олиш учун бошқа зарур шарт-шароитларни яратишда ёрдам беришлари лозим, талабгорнинг тақлиф этилган ёрдами рад қилиш ҳоллари бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги уч ой муддатда ушбу бандда белгиланган тартибни жорий этиш бўйича тақлифларни киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда **«UzTrans» ягона интерактив ахборот тизимида** ташувчилар фаолиятини мониторинг ва назорат қилишнинг замонавий усулларини қўллашни ҳисобга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига:

юк ташишни амалга оширишнинг бошланиши тўғрисида хабардор қилиш ва юкларни халқаро ташишни амалга оширувчи транспорт воситаларни **«онлайн» рўйхатдан ўтказиш тартибини жорий этиш** орқали автомобиль транспортда юкларни шахарда, шахар атрофида, шахарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташишни амалга ошириш;

**жисмоний шахсларга автомобиль транспортида** йўловчиларни шахарда, шахар атрофида ва шахарлараро йўналишлар бўйича ташиш **ҳуқуқини бериш** бўйича тақлифларни киритсин.

15. **Ижтимоий ривожланиш соҳасида:**

2020 йил охирига қадар 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш тизимини жорий этган ҳолда, мактабгача таълим билан **қамраб олиш даражасининг 60 фоизга етказилиши таъминлансин;**

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг юклагаси мақбуллаштирилсин, шунингдек, олий таълим муассасаларида **асосий мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сони икки бараварга қисқартирилсин;**

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларида давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиш бўйича **давлат буюртмаси параметрлари босқичма-босқич икки бараварга оширилсин;**

2020 йилда камида **5 та олий таълим муассасасини** конкурс асосида танлаб, нуфузли хорижий олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда уларни трансформация қилиш чоралари кўрилсин;

2020 йилда **математика, кимё-биология, геология** каби йўналишларда фундаментал ва амалий тадқиқотлар фаолаштирилиб, олимларга барча шарт-шароитларни яратиш чоралари кўрилсин;

2020 йил 1 сентябрга қадар илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан фаол интеграциялашувини таъминлаш мақсадида фундаментал ва инновацион тадқиқотлар учун **мақсадли грант маблағларини ажратиш** механизми тубдан қайта кўриб чиқилсин;

2020 йилда **мажбурий тиббий сугурта тизимини** жорий этишга тайёргарлик ишлари якунига етказилсин ва келгуси йилда ушбу тизим тажриба тариқасида **Сирдарё вилоятида** ишга туширилсин;

2020 йилда давлат тиббиёт ташкилотлари ва аҳолини дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминланиши ўтган йилга нисбатан **1,3 бараварга** қўлайтирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу йўналишда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини, шу жумладан, **Уй-жой кодексининг янги таҳрири, Экология кодекси лойиҳаси, «Сув таъминоти ва оқова хизматлар**

тўғрисида»ги ва «Кинематография тўғрисида»ги қонун лойиҳалари, Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш давлат дастури, Китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури, Илм-фан соҳасини ривожлантириш, Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, Ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини ривожлантириш концепциялари, Қурилиш соҳасини ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқишини таъминлаш топширилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Ёшлар таълими ва аёллар бандлиги бўйича «Беш ташаббус» лойиҳаси доирасида 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб алоҳида умумтаълим муассасаларида болаларни мактаб фанларига электрон ўқитиш бўйича, шу жумладан, электрон синф журнали, ўқувчилар кундаликларини рақамлаштириш ва электрон материаллар кутубхонасини (дарсликлар, видео дарслар, виртуал лабораториялар ва бошқалар) ўз ичига олган тажриба тариқасида ахборот тизимларини қозғоҳ ҳужжатларни бекор қилган ҳолда жорий этсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда экспертлар, шу жумладан, хорижий экспертлар иштирокида маълумотлар ҳақидаги фан, улкан маълумотлар, сунъий интеллект каби йўналишларда кадрлар тайёрлашни назарда тутган ҳолда, ахборот-коммуникация технологиялари ва рақамли иқтисодиёт соҳасидаги ўқув дастурлари қайта кўриб чиқишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб республика олий таълим муассасалари талабаларига ўқув йили давомида тенг улушларда камида тўрт мартаба ўқиш учун тўловларни амалга ошириш имконияти тақдим этилишини таъминласин.

19. 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент давлат юридик университети ва Тошкент давлат педагогика университетида тажриба тариқасида босқичмасоқчи масофавий ўқитиш шакли жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2020 йил 1 августга қадар масофавий ўқитиш шаклини амалга ошириш тартибини белгиллаш, дастурий-аппарат комплексини яратиш, тегишли олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнига масофавий ўқитиш платформасини жорий этиш ва ўрнатилган тартибда зарур бўлган усунулар билан жиҳозлашни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2021 йил 1 январга қадар тажриба натижаларини инобатга олган ҳолда олий таълим тизимига масофавий ўқитиш шаклини жорий этиш тўғрисидаги таклифларни ўқитишнинг ушбу шаклини амалга киритишнинг олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари кесимидаги графиги билан биргаликда киритсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 октябрдаги ПҚ-4502-сон қарорига асосан 2020 йил 1 январдан кейинги давр учун пенсияни ҳисоблашда меҳнат стажини тасдиқлаш ва иш ҳақи миқдорини белгиллаш «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексида мавжуд маълумотлар асосида амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ пенсияни ҳисоблаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш ва иш ҳақи миқдорини белгиллашда архив маълумотларини тақдим этмасдан:

2005–2016 йиллар даври учун жамғарилиб бориладиган пенсия тизимига мажбурий бадаллар тўғрисидаги маълумотлардан;

2016–2018 йиллар даври учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ўтказилган сугурта бадалларини якка тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларидан;

2019 йил учун фуқаролар иш ҳақининг якка тартибдаги ҳисобини юритишнинг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларидан фойдаланилади.

Ушбу бандда кўрсатилган даврлар учун архив маълумотларидан фақат тизимларда зарур маълумотлар мавжуд бўлмаганда ёки фуқаронинг мурожаати асосида фойдаланилади. Фуқаро томонидан тақдим этилган ҳужжатларни текшириш ҳақда қўшимча архив маълумотларини талаб қилиб олиш зарурати бўлганда, фуқарога пенсия минимал миқдор бўйича сиртдан расмийлаштирилади ва кейинчалик қайта ҳисоб-китоб қилинади.


Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда:

«Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали 2020 йил 1 январгача бўлган давр учун зарур маълумотларни ягона тизим орқали йиғиш мақсадида манфаатдор идораларнинг тизим ва маълумотлар базалари билан интеграция қилиниши, шунингдек, ушбу тизим тўлиқ ишлашини таъминлаш учун маълумотларни рақамлаштириш чораларини кўрсин;

фуқаролар учун уларга тайинланган пенсия тўловлари тўғрисидаги тегишли маълумотлар билан танишиш, шу жумладан, автоматик ҳисоблаш имкониятини яратишни инобатга олган ҳолда пенсия тайинлаш ва тўлаш тартибини такомиллаштириш бўйича таклифларни киритсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги билан биргаликда, шунингдек, фуқароларнинг мурожаатлари ва иқтисодиётни рақамлаштириш бўйича вазифаларни ҳисобга олган ҳолда икки ой муддатда ўзини ўзи банд қилаётган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари берилмаган фаолият турлари (хизматлар, ишлар) рўйхатини қайта кўриб чиқиш, мазкур жараёнларни рақамлаштириш, «фрилансинг» (масофадан туриб ишлаш) имкониятларини оммалаштириш бўйича «йўл харитаси»нинг киритилишини таъминласин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳақда Ахборот



## МОЛ-МУЛК ТАННАРХИГА КИРИТИЛАДИГАН ЧЕГИРИЛМАЙДИГАН ХАРАЖАТЛАР

**?** Янги тахрирдаги Солиқ кодексини ўрғаниш жараёнида 317-модданинг 20 ва 21-бандлари бўйича саволлар юзага келди. Ушбу бандларни мисолларда тушунтириб берсангиз.

– Фойда солиғи бўйича солиқ базасини аниқлашда чегириб ташланмайдиган харажатлар жумласига қуйидагилар кирилади:

- сотиб олишга, ишлаб чиқаришга, қурилишга, монтаж қилишга, ўрнатишга доир ва амортизация қилинадиган активларнинг қийматига қўшилиладиган бошқа харажатлар, шу жумладан қўшимча қуриш, қўшимча жиҳозлаш, реконструкция қилиш, модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳолларида амалга ошириладиган, амортизация чегирилмайдиган харажатлар жумласига киритиладиган харажатлар;

- солиқ тўловчининг амортизация қилинмайдиган мол-мулкнинг бошланғич қийматига бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ киритиладиган харажатлар (СК 317-м. 20, 21-м.).

Сотиб олиш, ишлаб чиқариш, қуриш, монтаж қилиш, ўрнатиш ва амортизацияланадиган активларнинг қийматига киритиладиган бошқа харажатлар 5-сон БҲМС «Асосий воситалар»га (АВ томонидан 20.01.2004 йилда 1299-сон билан рўйхатдан ўтказилган) мувофиқ аниқланади.

Асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган бошланғич қийматини ўзгартиришга тегишли асосий воситалар **қуриб битказилган, қўшимча жиҳозланган, реконструкция қилинган, замонавийлаштирилган, техник қайта қуруллангирилган**, қисман тугатилган ва улар қайта баҳоланган хо-

латларда йўл қўйилади (5-сон БҲМСнинг 21-банди).

Амортизацияланмайдиган мол-мулкнинг таннархига (бошланғич қийматига) киритиладиган харажатлар, қоидага кўра, амортизацияланмайдиган ТМЗ ва асосий воситаларни харид қилишга доир харажатлардир (СК 306-м. 2-қ.; 5-сон БҲМСнинг 35-банди). Мол-мулкнинг таннархига (бошланғич қийматига) киритиладиган харажатлар 4-сон БҲМС «Товар-моддий захиралар»да (АВ томонидан 17.07.2006 йилда 1595-сон билан рўйхатдан ўтказилган) белгиланган.

Нега Солиқ кодексига бундай харажатлар чегирилмайдиган харажатлар деб белгиланган?

Солиқ тўловчининг олган фойдаси фойда солиғи бўйича солиқ солиш объекти ҳисобланади. **Жами даромад ва харажатлар ўртасидаги фарқ** юридик шахннинг фойдаси ҳисобланади (СК 295-м.):

**жами даромад – чегириладиган харажатлар = солиқ солинадиган фойда.**


Мол-мулк қийматига киритиладиган харажатлар улар амалга ошириладиган пайтда чегириладиган харажатлар деб эътироф этилмайди, бироқ СК 305-моддасида белгиланган чегириш мезонларига риоя этган ҳолда кейинчалик мол-мулк бўйича амортизация ажратмалари воситасида чегириб борилади ёки мол-мулкни (ТМЗ ва амортизацияланмайдиган АВни) ҳисобдан чиқариш чоғида бирийўла чегирилади.

## ТЕКИНГА ОЛДИНГИЗМИ – СОЛИҚНИ ТЎЛАНГ

**?** *Жисмоний шахс ўзи ягона муассиси ҳисобланган ташкилотнинг нотурар жой биносини шартнома бўйича текин фойдаланишга берапти. Ташкилот умумбелгиланган солиқларни тўлайди. Ушбу битимда МЧЖда ва муассис ҳисобланган жисмоний шахсда қандай солиқ мажбуриятлари юзага келиши мумкин?*

– Кўчмас мулкни текин асосда олаётган ташкилотда **фойда солиғи** солиш мақсадларида жами даромад таркибига бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланган текин фойдаланишдан олинган даромад суммаси киритилади (СК 299-м.).

Томонларда бошқа солиқ оқибатлари юзага келмайди.



## БИНОДАН ТЕКИН Фойдаланиш

**?** *Юридик шахс нотурар жойнинг бир қисмини бошқа юридик шахсга амбор учун текин фойдаланишга бермоқчи. Иккала томон ҳам умумбелгиланган солиқларни тўлайди. Бинони текин фойдаланишга беришда иккала томонда қандай солиқ оқибатлари юзага келиши мумкин?*

### Фойда солиғи бўйича

Бинони текин фойдаланишга бераётган томонда ушбу мол-мулк билан боғлиқ харажатлар (масалан, амортизация, техник хизмат кўрсатиш ва бошқалар) чегирилмайдиган харажатлар ҳисобланади, сабаби улар даромад олишга тааллуқли эмас (СК 305-м.).

Олувчи томонда солиқ солиш мақсадларида бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда текин фойдаланишдан олинган даромад суммаси жами даромад таркибига киритилади (СК 299-м.).

### ҚҚС бўйича

Текин фойдаланишга бераётган томонда мол-мулк ҚҚС солиш мақсадларида хизматларни реализация қилиш бўйича айланма деб эътироф этилади, бундан шундай хизматларни кўрсатиш **иктисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган** ҳоллар мустасно (СК 239-м.).

Бепул хизматлар кўрсатиш қуйидаги шартлардан ҳеч бўлмаганда бирига риоя этилганда иктисодий жиҳатдан ўзини оқлайди деб эътироф этилади:

1) даромад олишга қаратилган фаолиятни юритиш мақсадида амалга оширилган бўлса;

2) шундай тадбиркорлик фаолиятини сақлаш ёки ривожлантириш

учун зарур бўлса ва харажатларнинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқлиги асослангирилган бўлса;

3) қонун ҳужжатларининг қоидаларидан келиб чиқса.

Мазкур ҳолатда солиқ базаси товарларнинг (хизматларнинг) Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ аниқланадиган бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади (СК 248-м. 3-қ.). Айни пайтда бозор қийматини аниқлаш тартиби тасдиқланмаган.

**Мол-мулкни бепул фойдаланишга олувчи томон** ушбу операция бўйича берувчи томонда ҳисобланган ҚҚСни ҳисобга олмайди (СК 267-м. 6-б.).

### РЕКЛАМА

**«КИЧИК КОРХОНА  
ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»**

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1.  
Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz,  
web: www.norma.uz

Замира ЖўРАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.


## ҚҚС: ХИЗМАТЛАР ИМПОРТИДА ХИСОБГА ОЛИШ

**?** 2020 йил мартда норезидентдан хизматлар кўрсатилиши кутилмоқда. Хизматлар ҳақини, шунингдек норезидент учун ҚҚСни 2020 йил апрелда тўлашни режалаштиряймиз. Тўлов кейинроқ амалга оширилган бўлса, норезидент учун тўланган ҚҚС тўлов тўланганлиги факти ёки инвойс бўйича ҳисобга олинадими?

– Корхона ЎзР норезидентдан реализация қилиш жойи Ўзбекистон ҳудуди деб эътироф этилган хизматларни олаётганлиги учун солиқ агенти сифатида солиқ тўловчидан олинган тегисли ҚҚС суммасини ҳисоблаб чиқариши, уни ушлаб қолиши ва бюджетга ўтказиши шарт. Солиқ тўланганлигини тас-

диқловчи тўлов ҳужжати тўланган солиқ суммасини ҳисобга киритиш ҳуқуқини беради (СК 255-м. 6, 9-қ., 266-м. 1-қ. 4-б.).

Бинобарин, корхонада хизматларни импорт қилишда ҚҚСни ҳисобга олиш ҳуқуқи ҚҚС бюджетга тўланганидан кейин, яъни апрелда вужудга келади.



## ҚҚСни ХИСОБГА ОЛИШ ҲУҚУҚИ

**?** Улгуржи-чакана савдо корхонаси умумбелгиланган солиқларни тўлайди. Жами айланмага ҚҚС солинади. ҚҚСдан озод этилган айланма мажсуд эмас.

Компания ходимлари фақат хизмат мақсадларида корпоратив мобил алоқадан (савдо агентлари), Интернетдан (маъмурий-бошқарув ходимлари), шаҳар телефонидан фойдаланадилар. Шунингдек товарларни сақлаш учун омборлар ва савдо шохобчалари учун бинолар (савдо фаолиятида фойдаланиладиган, 9410-счёт) ижарага олинади. Ушбу хизматларни етказиб берувчиларнинг барчаси ҚҚС тўловчилар ҳисобланади.

Корхонанинг солиқ солинадиган айланмаси 100% бўлганда, у ҚҚС билан харид қилинган фақат хизмат мақсадлари учун фойдаланиладиган, харажатлари эса давр харажатларига (9400-счёт) киритиладиган хизматлар бўйича ҚҚСни ҳисобга олиши мумкинми?

– Ҳа, ушбу ҳолатда харид қилинган хизматлар, хусусан: корпоратив мобил алоқа, Интернет, шаҳар телефон алоқаси, товарларни сақлаш учун омборларни ва савдо шохобчалари учун биноларни ижара олиш бўйича хизматларга ҚҚС тўловчилар томонидан ҳисобварақ-фактуралар ёзиб берилган бўлса, корхона улар бўйича тўланган ҚҚС суммасини тўлиқ-лигича ҳисобга олиши мумкин.

Бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммасини аниқлашда, солиқ тўловчи қуйидаги шартларни бир вақтда бажарган тақдирда, ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланган солиқ суммасини ҳисобга олиш орқали солиқнинг умумий суммасини камайтиришга ҳақли бўлади (СК 266-м.):

1) товарлардан (хизматлардан) солиқ тўловчининг реализация қилиш бўйича айланмасига солиқ солиниши лозим бўлган товарларни ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш (хизмат кўрсатиш) билан боғлиқ фаолиятида фойдаланилганда;

1) солиқ тўловчининг товарларни ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш (хизмат кўрсатиш) билан боғлиқ фаолиятини амалга ошириш

чоғида товарлардан (хизматлардан) фойдаланилганда реализация қилиш бўйича айланмасига солиқ солиниши лозим бўлганда;

2) олинган товарларга (хизматларга) солиқ тўловчи томонидан ҳисобварақ-фактура ёки етказиб берувчи томонидан тақдим этилган солиқ суммаси алоҳида ажратиб кўрсатилган бошқа ҳужжат олинганда ҳамда товарларни (хизматларни) етказиб берувчи солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтказилганда.

Маъмурий ҳамда бошқа мақсадларда фойдаланиладиган товарлар (хизматлар) эса товарларни реализация қилиш (хизматлар кўрсатиш) билан боғлиқдир.

Ҳисобга олинмайдиган ҚҚС суммалари СКнинг 267-моддасида белгиланган. Ушбу рўйхатда солиқ тўловчининг бухгалтерия ҳисоби счётлари бўйича харажатларини ҳисобга киритиш мезонлари белгиланмаган. Ҳисобга олишнинг асосий мезони ҚҚС солиқдан озод этилмаган фаолиятни амалга ошириш учун товарлар (хизматлар) дан фойдаланиш ҳисобланади.

ҚҚС бўйича имтиёзлар мавжуд бўлганда, СК 268-269-моддаларида белгиланган нормалар қўлланилади.



## ҚҚС БҲЙИЧА СОЛИҚ БАЗАСИ = ШАРТНОМА БҲЙИЧА НАРХ

**?** Юридик шахс эҳсоний шахсга илгари фойдаланилган «Damas» автомобилни сотишга қарор қилди. Баҳолаш компанияси уни баҳолади. Кузатув кенгаши томонидан баҳоловчи компания белгиланган миқдордаги автомобилни реализация қилиш нархи тасдиқланди. Юридик шахс эҳсоний шахсга автомобилни сотиш чоғида унинг қолдиқ қиймати реализация қилиш нархидан юқори бўлса, реализация қийматидан ҚҚС тўланадими?

– Йўқ, қолдиқ қиймати реализация қилиш қийматидан юқори бўлишига қарамай, ҚҚС реализация қилиш қийматидан тўланади.

ҚҚС солиқ базаси акциз солиғини (акциз тўланган товарлар, хизматлар

учун) ҳисобга олиб, унга ҚҚСни киритмаган ҳолда, битим тарафлари томонидан қўлланилган нархдан (тарифдан) келиб чиққан ҳолда реализация қилинадиган товарларнинг қиймати сифатида аниқланади (СК 248-м. 1-қ.).

**?** Ўзбекистон Республикаси резиденти ҳисобланган корхона (умумбелгиланган солиқларни тўловчи) норезидентга хорижий ҳамкорнинг фармацевтика воситаларини Ўзбекистоннинг ваколатли органларида рўйхатдан ўтказиш хизматларини кўрсатади, ушбу воситалар бўйича Ўзбекистоннинг амалдаги стандартларига мувофиқ норматив ҳужжатларни тайёрлаш ва таржима қилиш ҳам хизматлар жумласига қиради. Хизматлар харидори – ЎзР норезиденти – Кипр фармацевтика компанияси ЎзР ҳудудиде фаолият юритмайди ва бу ерда жойлашмаган.

Бундай хизматлар кўрсатиш бўйича айланмага ҚҚС солинадими?

## НОРЕЗИДЕНТ УЧУН ХИЗМАТЛАР БҲЙИЧА ҚҚС

– Ҳа, бевосита кўчар мулк ҳисобланган фармацевтика воситалари билан боғлиқ хизматлар ҳақиқатда Ўзбекистон Республикаси ҳудудиде кўрсатиладиган бўлса, ҚҚС солиш мақсадида реализация қилиш жойи ЎзР ҳисобланади (СК 241-м. 3-қ. 2-б.).

## РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА ҚҚС БҲЙИЧА ИМТИЁЗЛАР

**?** Хитойдан ускуна импорт қиламиз. Импорт қилиш чоғида ҚҚС бўйича имтиёздан фойдаланамиз (АВ томонидан 20.03.2013 йилда 2436-сон билан рўйхатдан ўтказилган). Тегини, божхонада ҚҚС тўламаганмиз. Таннархни шакллантириб, маҳсулотларни Ўзбекистон ҳудудиде харидорларга реализация қиламиз. Корхона олиб киришда ҚҚС бўйича имтиёз тақдим этилган ускунада тайёрланган маҳсулотларни ҚҚС билан реализация қилиши лозимми? Товарни импорт қилиш чоғида ҚҚСсиз божхонадан ўтказилган бўлса, уларни ҚҚС билан сотиш керакми?

– Импорт қилиш чоғида ҚҚС тўлашдан озод этилган товарлар, шунингдек импорт қилишда божхонада ҚҚСсиз расмийлаштирилган ускунада ишлаб чиқарилган маҳсулотларни реализация қилишни белгилаш учун ушбу товарлар ва маҳсулотлар ҚҚСдан озод этилган айланмаларга кириш-кирмаслигини аниқлаштириб олиш лозим.

Реализация қилишда ҚҚС тўлаш-

дан озод этилган товарлар (хизматлар) СКнинг 243-246-моддаларида ва бошқа норматив ҳужжатларда санаб ўтилган. Ушбу ҳужжатларда маҳсулотнинг ва товарларнинг келтирилмаган бўлса, импорт қилиш чоғида ҚҚС бўйича имтиёзлар қўлланилган қўлланилмаганлигидан қатъи назар, уларни ҚҚС билан реализация қилишининг шарт.

Замира ЖҲРАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.



## Фойдаланилмаётган ускуна амортизацияси

**?** Умумбелгиланган солиқларни тўловчи корхона дастлаб битта маҳсулот ишлаб чиқарган. Айни пайтда фаолият турини ўзгартириб, умуман бошқа маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлаган. Аввалги маҳсулотни ишлаб чиқаришда фойдаланилган ускуна ҳозир ишлатилмайпти, консервация ҳам қилинмаган. Ускуна бўйича эскириш ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришда фойдаланилмайдиган асосий воситаларнинг эскириши чегириб ташланадими?

– Фойда солиғини ҳисоблашда ускуна бўйича амортизация суммаси чекланган нормалар доирасида солиқ солинадиган базадан чегирланади.

Фойда солиғи бўйича солиқ базасини аниқлашда ушбу шахсларнинг жами даромадидан даромад олиш билан боғлиқ барча харажатлар чегириб ташланади. Асосланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатлар даромад олиш билан боғлиқ харажатлар деб эътироф этилади. Асосланган харажатлар деганда баҳоси пул шаклида ифодаланган, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган харажатлар тушунилади.

Ҳар қандай чикимлар, башарти улар ҳеч бўлмаганда куйидаги шартлардан бирига мувофиқ келган тақдирда, **иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган харажатлар** деб эътироф этилади:

- 1) даромад олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида қилинган бўлса;
- 2) шундай тадбиркорлик фаолиятини сақлаб ту-

риш ёки ривожлантириш учун зарур бўлса ёхуд хизмат қилса ва харажатларнинг тадбиркорлик фаолияти билан алоқаси аниқ асосланган бўлса;

3) қонун ҳужжатларининг қондаларидан келиб чиқса (СК 305-м.).

5-сон БҲМС «Асосий воситалар»да (АВ томонидан 20.01.2004 йилда 1299-сон билан рўйхатдан ўтказилган) асосий воситаларни фойдали ишлатиш муддати давомида **амортизация ажратмаларини ҳисоблаш тўхтатилмайди** деб белгиланган, асосий воситалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда консервациялашга ўтказилган ҳолатлар, шунингдек уларни буткул тўхтатиш шарт билан объектни қуриб битказиш, тўлиқ жиҳозлаш, қайта қуриш, замонавийлаштириш, техник қайта қуроллантириш даври бундан мустасно.

Асосий воситалар бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш ҳисобот давридаги корхона фаолияти натижаларидан катъи назар амалга оширилади ва у дахлдор бўлган ҳисобот давридаги бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади (5-сон БҲМСнинг 33-банди). Бинобарин, **қонун ҳужжатлари**, айнан 5-сон БҲМС қондаларидан келиб чиққан ҳолда ускунадан фойдаланиш тўхтатиб турилган пайтда амортизация ҳисобланади.

Бунда қонун ҳужжатларида баён этилган куйидаги бошқа қондалар ҳам мавжуд: 3 ой мобайнида АВдан ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланишга зарурат бўлмаганда, ундан фойдаланишга ёки янги мулкдорга сотишга эҳтиёж юзага келгунга қадар, бироқ 24 ойдан ортиқ бўл-

маган муддатга консервацияга ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади. АВни консервация қилиш ва фойдаланишни қайтадан бошлаш тартиби Фойдаланилмаётган асосий воситаларни, қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш тартиби тўғрисида низомда (ВМнинг 16.09.2003 йилдаги 401-сон қарори билан тасдиқланган) белгиланган.

Барча ҳужжатлар лозим даражада расмийлаштирилган ва 401-сон Низомда белгиланган тартибга риоя этилган бўлса, корхона 5-сон БҲМСнинг 32 ва 35-бандларига асосан консервацияга ўтказилган техник ускунага амортизацияни ҳисоблашликка ҳақлидир.

### Эксперт фикри

Ускуна фойдаланилмаётган дастлабки 3 ой давомида амортизация харажатлари иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган, асосланган харажатлар ҳисобланади ва СКнинг 306-моддасида белгиланган амортизациянинг чекланган нормалари бўйича чегирилиши лозим.

Ускуна консервация қилмаган бўлсангиз, 4-ойдан бошлаб амортизация харажатлари иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган, асосланган харажатлар ҳисобланмайди ва фойда солиғини ҳисоблашда чегирилмайди.

Замира Жўраева,  
«Norma» МЧЖ эксперти.

## Моддий активлар ҳисоби

**?** Корхона бухгалтерияси офис учун мебель ва компьютерларни харид қилиш чоғида уларни материалларни ҳисобга олувчи счётларга кирим қилди. Ушбу мол-мулкдан корхона маъмурияти фойдаланади.

1. Корхонада фойдаланиш учун харид қилинган офис учун мебель ва компьютерлар асосий восита ҳисобланадими ёки ТМЗми?
2. Мол-мулк асосий воситалар таркибига кирим қилиниши лозим бўлганда хатони қандай тўғрилаш мумкин?

1 Асосий воситалар – корхона томонидан узоқ муддат давомида хўжалик фаолиятини юритишда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазибаларни амалга ошириш мақсадида фойдаланиш учун тутиб туриладиган моддий активлар (АВ томонидан 20.01.2004 йилда 1299-сон билан рўйхатдан ўтказилган 5-сон БҲМСнинг 3-банди «а» кичик банди).

АВ таркибига куйидаги мезонларга бир вақтнинг ўзида жавоб берадиган моддий активлар киритилади:

- а) 1 йилдан ортиқ хизмат муддати;
- б) бир бирлик (тўшам) учун қиймати ЭКИХнинг 50 бараваридан ор-

тиқ бўлган буюмлар. Корхона раҳбари ҳисобот йилида буюмларни асосий воситалар таркибига ҳисобга олиш учун улар қийматининг энг кам чегарасини белгилашга ҳақли (5-сон БҲМСнинг 4-банди).

2019 йил 1 сентябрдан бошлаб ЭКИХ ўрнига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (МҲЭКМ), базавий ҳисоблаш миқдори (БҲМ) ва пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори (ПҲБМ) жорий этилган (21.05.2019 йилдаги ПФ-5723-сон Фармоннинг 1-банди). Юридик шахслар активларининг баланс қийматини аниқлашда БҲМ қўлланилади (ПФ-5723-сон Фармоннинг 2-банди «б» кичик банди). Бинобарин, 2019 йил 1 сентябрдан кейин харид қилинган асосий воситаларга БҲМнинг 50 бараваридан ортиқ бўлган қиймат мезони қўлланилади.

Корхонада фойдаланиш учун харид қилинган офис мебли, компьютерлар ушбу мезонларга мос келган тақдирда улар АВ ҳисобланади. Улар ушбу талабларга мос бўлмаса, харид қилиш чоғида материалларни ҳисобга олувчи счётларга кирим қилинади.

2 Мол-мулк АВ ҳисоблана-ю, бироқ хатога йўл қўйилган ҳолда материалларни ҳисобга олувчи счётларга кирим қилинган бўлса, буни тузатиш лозим.

Бунда 2 та вазиятдан фойдаланиш мумкин:

1) мол-мулк материаллар таркибига кирим қилинган ва фойдаланишга берилмаган. Хато куйидаги бухгалтерия проводкалари билан тузатилади:

Дт 0820-«Асосий воситаларни харид қилиш» счёти

Кт 1000-«Материалларни ҳисобга олувчи счётлар»;

2) мол-мулк харид қилиш чоғида материаллар таркибига кирим қилинган ва фойдаланишга берилган. Маъмурият АВдан фойдаланаётгани сабабли фойдаланишга беришда уларнинг суммаси маъмурий харажатларга ҳисобдан чиқарилиши ва бир вақтнинг ўзида 014-«Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозлари» счёти дебети бўйича акс эттирилиши керак. Хато куйидаги бухгалтерия проводкалари билан тузатилади:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Счётлар корреспонденцияси	
	дебет	кредит
Мол-мулкни ҳисобдан чиқариш бўйича хатолик тузатилган (у жорий йилда ёки аввалги йилларда ҳисобдан чиқарилган, бироқ сумма унча катта бўлмаганда)	1000-«Материалларни ҳисобга олувчи счётлар»	9420-«Маъмурий харажатлар»
Ҳисобдан чиқарилган мол-мулк суммаси катта бўлганда, ўтган йилларда йўл қўйилган хатолик тузатилган	1000-«Материалларни ҳисобга олувчи счётлар»	8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»
Ушбу мол-мулк бўйича балансдан ташқари счёт ёпилган		014-«Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозлари»
Мол-мулк АВ таркибига кирим қилинган	0820-«Асосий воситаларни харид қилиш»	1000-«Материалларни ҳисобга олувчи счётлар»
АВ фойдаланишга топширилган	0100-«Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар»	0820-«Асосий воситаларни харид қилиш»
АВдан фойдаланиш даври учун амортизация ҳисобланган	9420-«Маъмурий харажатлар» 8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»	0200-«Асосий воситаларнинг эскиришнинг ҳисобга олувчи счётлар»

Азизахон Тошхўжаева, «Norma» МЧЖ эксперти.



## СУДГА ФАҚАТ ЮҚОРИ СОЛИҚ ОРГАНИ ОРҚАЛИ

Солиқ кодексда белгиланган қарорлар устидан шикоят бериш тартиби фақат солиқ органларининг норматив хусусиятга эга бўлмаган ҳужжатларига тааллуқли эканлиги ушбу Кодексда илк бор аниқлаштирилган. Солиқ тўловчи қандай қарорлар устидан шикоят бериши мумкинлиги ва буни қандай қилиб тўғри амалга ошириш ҳақида адвокат, «Norma» МЧЖнинг юридик масалалар бўйича эксперти Элеонора МАЗУРОВА сўзлаб берди.

*Норматив хусусиятга эга бўлмаган ҳужжат – бу солиқ органларининг бир ёки бир нечта солиқ тўловчиларга қаратилган, муайян ҳаракатларни содир этишга ундовчи кўрсатмаси мавжуд бўлган ҳужжатлар ҳисобланади (талабнома, қарор, далолатнома ва бошқалар) (СК 230-м. 2-қ.).*

Солиқ тўловчининг инсофлиги ва айбсизлиги презумпциясини белгиланган янги тахрирдаги СК амалга киритилгандан кейин (СК 13 м., 212-м. 6-қ.) сайёр солиқ текшируви ва аудити натижалари устидан шикоят бериш ҳоллари кўпайиши мумкин.

Судлар шикоят ва даъво аризаларига «кўмилиб кетмасликлари» учун солиқ органларининг қарорлари устидан судгача шикоят қилиш мажбуриятини белгиловчи норма жорий этилди (СК 231-м. 4-қ.). Бу судга боришдан олдин, солиқ тўловчи низоли қарор устидан юқори турувчи солиқ органига шикоят бериши лозимлигини билдиради. Ва фақат у кўриб чиқилгандан кейин солиқ тўловчи судга мурожаат қилишга ҳақли. Бундай тартиб Европа форматига яқинлаштирилган.

Янги нормада, ҳар қандай янгиликда бўлгани каби, ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатлари мавжуд.

### Ижобий жиҳатлари:

- судларга юклаганини камайиши, сабаби судга солиқ тўловчилардан келиб тушадиган аризалар сони камайди;

- солиққа оид низоларнинг аксарияти суддан ташқари тартибда кўриб чиқилади. Ва фақат низо келишув йўли билан ҳал қилинмаган тақдирда у судга узатилади;

- судлар келиб тушган ишлар устида анча самарали ишлай бошлайди;

- юқори турувчи солиқ органлари шикоятларни тезкор тарзда кўриб чиқади, деган умид бор.

### Салбий жиҳатлари:

- шаклланган амалиётга кўра, солиқ тўловчилар юқори турувчи солиқ органларининг ҳолис бўлиши даргумон, у кўпроқ солиқ тўловчини ёни олишдан кўра «идоравий бирдамлик» тамойили сабаб солиқ инспекциясига ён босади, деб ҳисоблашади.

Шунингдек, илгаригидек, солиққа оид жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарор у солиқ тўловчига берилган пайдан эътиборан бир ой ўтгач кучга қиради. Шикоят бериш учун айнан шундай муддат белгиланган (СК 232-м.).

У юқори турувчи солиқ органи томонидан кўриб чиқилганидан кейин солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликка тор-

тиш тўғрисидаги қарор устидан суд тартибда шикоят бериш мумкин. СК судга шикоят бериш учун муддат белгиламайди, шу боис асосийси, даъво қилиш муддати ўтказиб юборилмаса бўлди (СК 88-м.).

Юқори турувчи солиқ органи шикоятни олган кундан бошлаб бир ой ичида қарор қабул қилиши шарт. Ушбу муддат зарур бўлган ҳужжатлар ва ахборотни олиш учун 15 кундан ортик бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин (СК 235-м. 8-қ.).

Шикоятнинг ўзи эса низоли қарор чиқарган солиқ органига юборилади ва айнан шу орган уни юқори турувчи инстанцияга жўнатади (СК 232-м. 1-қ.).

Шу боис, текширув ва аудит натижалари бўйича қарор устидан шикоят берилган ҳолатда, солиқ тўловчидан шикоятни олган ҳолда инспекция унинг қарори қонуний кучга кирмаганидан бохабар бўлади ва шикоят берилган қарор бўйича солиқ, пеня ёки жарима тўлаш юзасидан талабномалар тақдим этмайди.

Шикоят бериш таомилидаги барча ўзгаришлар ҳақида жадвал орқали билиб олишингиз мумкин.

### Солиқ органлари қарорлари устидан шикоят бериш таомили ва муддатлари қандай ўзгарди

Аввал	Ҳозир
Солиқ органларининг ҳар қандай қарори ёки ҳужжати устидан юқори турувчи солиқ органи ёки судга шикоят бериш мумкин бўлган. Юқори турувчи солиқ органига шикоят бериш судга худди шундай шикоят беришни истисно этмаган	СКда назарда тутилган қарорлар устидан шикоят бериш тартиби фақат солиқ органларининг норматив хусусиятга эга бўлмаган ҳужжатларига тааллуқли эканлиги аниқлаштирилган. Фақат солиқ тўловчи ҳуқуқларини бузса, улар устидан юқори турувчи солиқ органи ёки судга шикоят бериш мумкин (СК 230-м.)
Ғайриқонуний тарзда кўшимча солиқлар ҳисобланган ва жарималар ундирилган тақдирда солиқ органига нисбатан пеня қўлланилмаган	Сайёр солиқ текшируви ёки солиқ аудити натижалари бўйича қабул қилинган қарор бекор қилинган тақдирда, ғайриқонуний тарзда ундирилган солиқлар ва жарималар суммаси фойзалари – пеняни инобатга олган ҳолда қайтарилади (СК 230-м.)
Қарор устидан шикоят бир вақтда юқори турувчи солиқ органи ва судга берилиши мумкин бўлган	Энди солиқ органларининг сайёр солиқ текширувлари ва солиқ аудити натижалари бўйича қабул қилган қарорлари устидан суд тартибда шикоят қилиш фақат юқори турувчи солиқ органига шикоят қилинганидан кейингина мумкин бўлади. ЎзР Давлат солиқ қўмитаси қарорлари устидан шикоят бир йўла судга берилади (СК 231-м.)
Берилган шикоятни қақриб олиш имконияти назарда тутилмаган эди	Энди шикоятни тўлиқ ёки унинг қайсидир қисмини қақриб олиш мумкин. Бироқ, шикоятни қақриб олиш солиқ тўловчининг ўша асосларда шикоят билан тақдоран мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилади (СК 231-м.)
Шикоят бир йўла юқори турувчи солиқ органига берилган	Солиқ органларининг сайёр солиқ текширувлари ва солиқ аудити натижалари бўйича қабул қилинган қарорлари устидан шикоят юқори турувчи солиқ органига қарорлари устидан шикоят қилинаётган солиқ органи орқали берилади (СК 232-м.)
Шикоят шахс ўз ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисида билган ёки билиши керак бўлган кундан эътиборан 30 кун ичида берилиши мумкин бўлган	Шикоят юқори турувчи солиқ органига шахс ўз ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисида билган ёки билиши керак бўлган кундан эътиборан бир ой ичида берилиши мумкин (СК 232-м.)
Шикоят бериш муддатини узайтириш тартиби назарда тутилмаган эди	Энди муддат узрли сабабга кўра ўтказиб юборилган тақдирда, у юқори турувчи солиқ органи томонидан тикланиши мумкин (СК 232-м.)
Шикоят ёзма шаклда берилган	Ёзма ёки электрон шаклда юборилиши мумкин (СК 233-м.)
Шикоят берган шахс уни кўриб чиқиш чоғида эшитилмаган	Шикоятни кўриб чиқиш чоғида солиқ органи ўз ташаббусига кўра ёки мурожаат қилувчининг илтимосига кўра шикоятни эшитишни ташкил этиши мумкин (СК 235-м.)
Шикоятни кўриб чиқиш яқунлари бўйича юқори турувчи солиқ органи:	Юқори турувчи солиқ органларининг ваколатлари кенгайтирилди. Шикоятни кўриб чиқиш яқунлари бўйича у:
• шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришга;	• шикоятни қаноатлантирмасдан қолдириши;
• устидан шикоят берилган қарорни бекор қилиш ёки ўзгартиришга;	• солиқ органларининг норматив хусусиятга эга бўлмаган ҳужжатини бекор қилиши;
• моҳияти бўйича қарор чиқаришга ҳақли бўлган	• солиқ органларининг қарорини тўлиқ ёки қисман бекор қилиши;
	• солиқ органларининг қарорини тўлиқ бекор қилиши ва иш юзасидан янги қарор қабул қилиши;
	• солиқ органларининг мансабдор шахсларининг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) ноқонуний деб эътироф этиши ва ишнинг моҳияти бўйича қарор чиқариши мумкин (СК 235-м.)
Шикоят бериш доирасида тақдим этилган барча қўшимча ҳужжатлар чекловларсиз кўриб чиқилган	Энди, шахс шикоятни кўриб чиқиш чоғида қўшимча ҳужжатларни тақдим этса, у нима учун ушбу ҳужжатлар текширув ёки аудит ўтказиш чоғида ўз вақтида тақдим этилмаганлиги юзасидан узрли сабабларни кўрсатиши лозим (СК 235-м.)
Текширувлар натижалари бўйича қарор қабул қилиш таомилини бузиш қарорни бекор қилиш учун асос бўлмаган	Энди қарор қабул қилишда солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш таомилини бузиш қарорни бекор қилиш учун асос ҳисобланади (СК 235-м.)

✉ ПОЧТА ҚУТИСИ

ШАРТЛИ ЧИҚАРИЛИШДА ТЎЛИҚ БЎЛМАГАН  
ДЕКЛАРАЦИЯЛАШ

**?** *Ташкилотимиз товарни импорт қилди. Расмийлаштириш чоғида у НДС-40 режими-га жойлаштирилди.*

*Товар ИМ-40 режимига расмийлаштирилиши-ни кутмасданоқ биз уни реализация қила ола-мизми? Агар реализация қила олсак, қандай рухсат этувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат-лар мавжуд?*

– Декларант ёки божхона брокери ўзига боғ-лик бўлмаган сабабларга қўра декларацияни тўл-дириш учун барча зарур ахборотга эга бўлмаган-да тўлиқ бўлмаган божхона юк декларацияси (ТББЮД) товарни идентификациялаш имконияти бўлиши шартли билан берилиши мумкин.

ТББЮДга, агар божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида алоҳида маълумотларни тақдим этиш учун бошқа муддат назарда тутилмаган бўл-са, ушбу декларация божхона органи томонидан қабул қилиб олинган кундан эътиборан 60 кален-дарь кундан ортиқ бўлмаган муддатда етишмаган маълумотларни ва лозим даражада тўлдирилган божхона юк декларациясини тақдим этиш ҳақи-даги ёзма мажбурият илова қилинади (БКнинг 269-моддаси).

ТББЮД қўлланилган ҳолда декларациялашда божхона органларининг зиммасига қонун ҳужжат-ларининг қайси талаблари ва шартлари бажари-лиши устидан назорат қилиш вазифаси юклатил-ган бўлса, ўша талаблар ва шартлар қўлланилади. Улар, шу жумладан, лозим даражада тўлдирилган божхона юк декларацияси дастлаб берилганидаги каби божхона тўловларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартибини ҳам текширадилар.

Тўлиқ бўлмаган божхона юк декларацияси БК 22-моддаси 2-қисмининг «в», «д» ва «е» бандла-рида кўрсатилган ҳолларда қуйидаги товарларга берилиши мумкин:

в) божхона тўловлари шартли божхона қийма-тини аниқлаш асосида тўланган;

д) зарур ҳужжатлар (бундан мувофиқлик сер-тификати ва рухсат этиш хусусиятига эга бош-қа ҳужжатлар мустасно) ва маълумотлар тақдим этилмаган;

е) божхона тўловларини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилган ҳолда эркин муо-малага чиқариш (импорт) божхона режимига му-вофиқ расмийлаштирилган.

«Д» бандда кўрсатиб ўтилган шартли чиқа-риб юборилган товарларни учинчи шахсларга

бериш, шу жумладан, уларни сотиш ёки ўзга усулда бошқа шахсга ўтказиш орқали бериш тақиқланади. Мазкур товарларни олиб кириш-га доир чекловлар ушбу товарларнинг сифати ва хавфсизлиги текширилиши муносабати билан белгиланган ҳолларда эса, ҳар қандай шаклда фойдаланиш (ишлатиш) тақиқланади (БКнинг 22-моддаси).

Тегишли равишда, бошқа икки ҳолатда «в» ва «е» бандлар) товарларни бошқа усулда сотиш ёки учинчи шахсларга бериш тақиқланмайди.

*Маълумот учун. Илгари шартли чиқарила-диган товарлардан фойдаланиш масалалари Эркин муомалага чиқариш божхона режи-мига мувофиқ шартли чиқариб юборилаёт-ган товарларни божхона расмийлаштируви-дан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (АВ томонидан 9.09.2004 йилда 1404-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан тартибга со-линган. Ҳозирги вақтда ушбу ҳужжат ДБК-нинг қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган (АВ томонидан 18.04.2016 йилда 1404-6-сон билан рўйхатдан ўтказилган).*

## УМУМИЙ АСОСЛАРДА

**?** *Апрель ойида биз кўрғазмада иштирок этиб, у ерда дори препа-ратларининг намуналарини тарқатмоқчимиз. Уларнинг ўрамла-рида Sample, Free (намуналар, бепул) деб ёзилган бўлади. Ҳозир-ги вақтда биз ҳажми жиҳатидан намуналардан фарқ қилувчи шундай дори воситаларини сотишни бошлаганмиз.*

*Дори намуналарини қонун доирасида қандай қилиб олиб кириш ва тар-қатиш мумкин? Бу борада қандай буйруқлар, қарорлар бор? Қандай та-лабларга жавоб беришимиз лозим?*

– Божхона кодексининг 13-модда-сига биноан товарлар бўлиб ҳисоблан-ган дори препаратларини (намуна-ларини) эркин муомалага чиқариш фақат уларни «Эркин муомалага чиқариш» (импорт) божхона ре-жимига расмийлаштириш орқали амалга оширилиши мумкин. Бу шун-дай режимки, унда божхона ҳудудига олиб кирилган товар уни ушбу ҳудуд-дан қайтариб олиб чиқиш мажбурият-сиз шу ерда эркин муомалада қо-лади (БКнинг 55-моддаси).

Божхона тўловлари тўланган ва ик-тисодий сийёсат чораларига риоя этил-ган тақдирда товар эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштирилади ва божхона ҳудудида эркин муомалада турган товар мақоми-ни олади (БКнинг 56-моддаси).

«Эркин муомалага чиқариш (им-порт)» божхона режимида олиб ки-риладиган товарларни божхонада расмийлаштиришда қуйидаги ҳуж-жатларни тақдим этиш зарур (Рўй-хат, ВМнинг 20.07.2015 йилдаги қар-ори билан тасдиқланган):

- божхона юк декларациясини, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўловчи божхона деклара-циясини тўлдириш йўли билан то-варларни декларациялаш ҳоллари бундан мустасно;

- транспорт ҳужжатлари, ўров ва-раги бундан мустасно;

- товарларнинг келиб чиқиши серти-фикати (манфаатдор шахснинг хоҳиши бўйича ва унинг зарурлиги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома-ларида назарда тутилган ҳолларда).

халқаро патентланмаган номларини, моделларини, техник тавсифларини, дори-дармонларни чиқариш шаклла-рини, дозасини, ишлаб чиқарувчисини ва ишлаб чиқарилган давлатни кўр-сатдилар. Бунда, агар битта БЮДда юқорида кўрсатилган параметрлардан, ҳаттоки биттаси бўйича фарқ қилувчи товарлар расмийлаштириладиган бўл-са, у ҳолда улар турли хил товарлар си-фатида алоҳида декларацияланади (АВ

томонидан 6.04.2016 йилда 2773-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқно-манинг 8-банди 2-хатбоииси).

Мурожаатингизга қараганда, сизни дори препаратларининг намуналарини олиб киришда имтиёзларга тааллуқли масалалар қизиқтиради. Ушбу тоифада-ги товарлар бўйича алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас. Бирок барча товарлар учун имтиёзли шартлар-да олиб келишнинг қоидалари бор.

Божхона тўловларини тўлаш бўйича  
имтиёзлар ҳақида

Ташки савдо сийёсатини амалга оши-раётганда илгари тўланган божхо-на божини қайтариш, божхона божи ставкасини пасайтириш ва божхона божини тўлашдан озод этиш тарзида тариф имтиёзлари берилишига йўл қў-йилади. Божхона божидан озод этиш тарзидаги тариф имтиёзлари берил-диган товарларнинг рўйхати БКнинг 297-моддасида келтирилган. Унда до-ри препаратлари мавжуд эмас.

**Тариф преференциялари** божхо-на божларини тўлашдан озод этиш, улар ставкаларини камайтириш ёки муайян давлатларда ишлаб чиқарил-ган товарларни божхона ҳудудига преференцияли олиб киришда квота-лар белгилаш тарзида берилди (БК-нинг 300-моддаси).

Эркин савдо ҳудудини ташкил этиш тўғрисидаги келишувга би-ноан ЎЗР билан эркин савдо ҳудуди-ни ташкил этган давлатларда ишлаб чиқарилган ва уларнинг божхона ҳу-дудига олиб кириладиган товарлар-

га нисбатан божхона божлари қўл-ланилмайди (Рўйхат, АВ томонидан 8.04.1998 йилда 429-сон билан рўй-хатдан ўтказилган).

Бож тарифи билан белгиланган ставкалар миқдоридagi божхона бож-лари ЎЗР савдо-иқтисодий муноса-батларда энг кўп қулайлик бериш ре-жимини қўллаётган мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарларга нис-батан, товарни жўнатувчи ва экс-порт қилувчи мамлакатдан қатъи на-зар қўлланилади. Божхона органига товарнинг келиб чиқиши тўғрисида белгиланган намунадаги сертификатни тақдим этган ҳолда ушбу пре-ференцияларни олиш мумкин.

Савдо-иқтисодий муносабатлар-да энг кўп қулайлик бериш режими назарда тутилмаган мамлакатларда ишлаб чиқарилган ёхуд ишлаб чи-қарилган мамлакатни аниқланмаган товарларга нисбатан божхона бож-ларининг ставкалари икки баравар оширилади (БКнинг 300-моддаси).

**Маълумот учун.** Товарлар уларнинг қузатув ҳужжатларидан фойда-ланилган ҳолда юридик шахслар учун ва юридик шахс ташкил этмас-дан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган jisмоний шахслар учун қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача бўл-ган товарларни божхона чегараси орқали олиб ўтишда декларацияла-нади, товарлар ташқи савдо контрактлари (шартномалари, келишув-лари) бўйича мажбуриятларни бажариш доирасида олиб ўтилаётган ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳоллар бундан мустасно (БКнинг 260-моддаси).

Эслатиб ўтиш жоизки, фармацев-тика маҳсулотларини (ТИФ ТНнинг 30 гуруҳи) ва тиббий мақсадлар учун мўлжалланган маҳсулотларни (ТИФ ТНнинг 9018 товар позицияси) келгу-

сида реализация қилиш учун «Эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхо-на режимида олиб кирувчи ташкилот-лар уларни БЮДда декларациялашда мажбурий тартибда савдо номларини,

**Маълумот учун.** Юридик шахслар томонидан олиб кириладиган, қийма-ти базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараварини ва ундан кам миқдор-ни ташкил этадиган товарлар божхона расмийлаштируви учун божхона йиғимларини тўлашдан озод этилади (БК 299-моддасининг 8-банди).

Гулнора АБДУНАЗАРОВА, махсус мухбиримиз.

# МАСОФАДАН ХИЗМАТ: БАНК ҲИСОБВАРАҒИНИ КИМ ВА ҚАНДАЙ ОЧИШИ МУМКИН

Марказий банк банк ҳисобварақларини узокдан туриб ишлаш режимда ва мижозларга масофадан хизмат кўрсатиш тизими орқали очиш тартиби тўғрисидаги саволига жавоб берди.

2019 йил декабрда МБ Бошқарувининг қарори (АВ томонидан 10.02.2020 йилда 1948-19-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага тузатиш киритилган эди. Тузатишлар Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилиб, эълон қилинган ва 2020 йил 10 февралдан кучга кирган.

Хужжатда, хусусан, банк ҳисобварағи (омонати) шартномаси ёзма шаклда ёки масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари орқали оферта шартномасини тасдиқлаш орқали расмийлаштирилиши қайд этилган.

Шунингдек йўриқномага жисмоний шахсларга масофадан туриб банк ҳисобварақларини очишни тартибга солувчи норма киритилди. Буни масофадан хизмат кўрсатиш тизими орқали ҳам амалга ошириш мумкин. Бунда банк мижозни идентификациялаши ва уни текшириши шарт. Мазкур ҳолатда паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат электрон нусхада сақланади. Бошқа банкларда ҳисобварақ очилган шахслар ҳам масофавий режимдан фойдаланишлари мумкин. Бироқ улар ҳам идентификацияланиши ва текширувдан ўтказилиши лозим.

Илгари жисмоний шахсларга мазкур банкда бирламчи ҳисобварақлари мавжуд бўлганда ёки яқка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтиш жараёнида масофадан туриб депозит ҳисобварақларини очишга рухсат берилган (МБ бошқарувининг қарори, АВ томонидан 26.01.2018 йилда 2711-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган). Тахририят янги киритилган ўзгаришлар ўзаро қандай боғланишга эгаллиги, шунингдек мижозларга масофадан хизмат кўрсатиш тизими қандай ишлаши ва бугунги кунда банклар янги форматта ўтишга қанчалик тайёрлиги хусусида қизиқди.

Сўровимизга жавобан Марказий банк банкда асосий, иккиламчи, омонат ва муддатли депозит ҳисобварақларини очиш учун юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобварақ очиш тўғрисидаги аризани тақдим этишлари лозим. Буни электрон шаклда ҳам амалга ошириш мум-



кин. Бироқ улар бошқа банкларда талаб қилиб олинганча иккиламчи ҳисобварақларни, муддатли, жамғарма депозит ҳисобварақларини очишда асосий ҳисобварақни очишдаги каби, барча зарур ҳужжатларни тақдим этишлари лозим.

Фуқароларга келсак, улар ўзлари танлаган банкда (филиалида) депозит ҳисобварағи очган ҳолда масофадан туриб хизматлар кўрсатиш тизими орқали бошқа ҳисобварақларини очишлари мумкин бўлади. Бунда банк мижозни идентификациялаш ва лозим даражада текшириш чораларини кўриши лозим.

Қонунчиликдаги охириги ўзгаришларга кўра тижорат банк учинчи шахс томонидан ўтказилган мижознинг лозим даражадаги текширувди натижаларига ишониши мумкин. Мазкур ҳолатда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкка оид операцияларни амалга оширадиган ташкилотлар назарда тутилмоқда, уларда ички назорат юритилади. Булар сугурга, лизинг ташкилотлари, биржалар, но-банк кредит ташкилотлари (микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар) бўлиши мумкин.

Бироқ ушбу ҳолатда ҳам мижозни лозим даражада текшириш масъулияти пировард натижада банк зиммасига тушади, шу боис банк куйидагиларга ишонч ҳосил қилиши лозим:

- мижозларни лозим даражада текшириш бўйича зарур маълумотларни зудлик билан олиш (электрон тизим орқали) имкони бўлишига;
- мижозларнинг идентификация маълумотлари ва уларни лозим даражада текширишга оид бошқа тегишли ҳужжатларнинг нусхаларини зудлик билан олиш учун сўров бериш имкони бўлишига;
- учинчи томон жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролларини тарқатилишини молиялаштиришга қарши курашиш қоидаларига амал қилаётганлигига.

Ушбу бандлардан биронтасига риоя этилмаган тақдирда, банк мустақил равишда мижозни лозим даражада текширувдан ўтказиши керак. Буни қандай амалга ошириш «Жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни


молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролни тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун ҳамда Тижорат банкларида жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролни тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларида (АВ томонидан 23.05.2017 йилда 2886-сон билан рўйхатдан ўтказилган) батафсил баён этилган. Мижоз билан тузилган шартномада ёки офертада лозим даражада текшириш чоралари кўрилиши мумкинлиги қайд этилиши керак.

Ҳисобварақ давлат рўйхатидан ўтказиш билан бир вақтда очиладиган бўлса, мижоз Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизимида жойлаштирилган банк ҳисобварағи шартномаси офертасини акцептлайди. Банклар тизим орқали барча зарур маълумотларни оладилар. Тўловларни амалга оширишни бошлаш учун банкка имзо намуналари қўйилган карточкаларни 2 нусхада ҳамда пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини имзолаш ваколати берилган шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилиши лозим.

Юридик ва жисмоний шахслар масофадан хизматлар кўрсатиш тизимидан фойдаланиш учун банкнинг мобиль иловалари, шунингдек уларнинг интернет-сайтлари орқали рухсат олишлари мумкин. Резидент жисмоний шахсларга бошқа банкларда масофадан туриб депозит ҳисобварақларини очиш имкониятини тақдим этиш учун идентификациялаш ва лозим даражада текширишни амалга оширадиган технологик инфратузилмани ташкил этиш ишлари бошлаб юборилган. Технологик жараёнинг ишлаб чиқилишига қараб, уни тижорат банкларида жорий этиш бошланади.

Молиявий операцияларни амалга ошириш ва жисмоний шахслар – резидентларга масофадан ҳисобварақлар очиш хизматлари тақдим этишга доир қарорларни қабул қилишда банклар мустақил эканлигини МБда таъкидлашди.

Манба: [norma.uz](http://norma.uz)



<p><b>СОЛИК &amp; БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ</b> Молиявий-иқтисодий, ахборот-хуқуқий газети</p> <p><b>ТАЪСИСЧИ</b> «Norma» МЧЖ</p> <p>Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 0640. Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқди.</p>	<p>Бош муҳаррир <b>Фарҳод Собирович ҚҮРБОНБОЕВ</b></p>	<p>Нашр учун масъул – бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб <b>Нодир Носирович АЛИМОВ</b></p> <p>Саҳифаловчи <b>Наталья БАРАНОВА</b></p>	<p><b>МАНЗИЛИМИЗ:</b> 100105, Тошкент ш., Микробод тумани, Таллимаржон кўча, 1/1 <b>ТЕЛЕФОН/ФАКС</b> Тахририят: (71) 200-00-90; E-mail: <a href="mailto:sbx@norma.uz">sbx@norma.uz</a>, <a href="mailto:gazeta@norma.uz">gazeta@norma.uz</a>, web: <a href="http://norma.uz">norma.uz</a></p>	<p>Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90; рекламани жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.</p> <p>Газета нашри – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичлари: «СБХ» – 186, «НТВ» – 165. Қўғоз бичими – А3. Ҳажми – 4 босма табоқ, Баҳоси келишилган нарҳда. Буюртма г-315. Адади 810. Газета 2020 йил 9 март соат 15.00 да топширилди.</p>
---	--	--	---	---